201 A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

20 (504) ● 2018 йил 16 май, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП фракциясида

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2017 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган ҳисоботи тингланди.

Фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарган йиғилишда фракция аъзолари, партия фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг масъул вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Олимхон Рустамов маъруза қилди.

2-бет

Таклиф ва мулоҳаза

МИЛЛИЙ ГИЛАМДЎЗЛИК: ҚАДИМИЙ, БОЙ ВА РАНГ-БАРАНГ

ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ МАҲОРАТИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ АЛОҲИДА МУЗЕЙ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

Болалигида учар гилам ҳақидаги эртак ёки афсоналарни тингламаган ва ана шундай гилами бўлишини орзу қилмаган инсон топилмаса керак. Учар гиламлар бизни гўё ўз орзуларимизга етказадиган, истаган манзилимизга кўз очиб юмгунча олиб бориб қўядиган мўъжиза сифатида болалик хотираларимиздан чуқур жой олган. Бу, ўз навбатида, хонадонларимиз кўрки бўлган гиламларнинг яралиш тарихи олис ўтмишга бориб тарқалишидан яққол дарак беради.

Дарҳақиқат, гиламлар, гиламдўзлик санъати халқ амалий безак санъати, ҳунармандчиликнинг кенг тарқалган тури ҳисобланиб, кўп асрлик миллий анъана ва узоқ тарихга эга. Унинг қадимийлиги ва тарихий аҳамиятини дунё халқлари музейларида сақлаётган гиламдўзлик ёдгорликлари, археологик топилмалар, турли коллекциялар, бадиий фондлар, шунингдек, тарихий қўлёзмалар ҳам яққол тасдиқлайди. Маълумотларга қараганда, энг қадимги — эрамиздан аввалги V асрларга мансуб қўлда тўқилган гиламлардан бири 1949 йилда археологлар томонидан Олтой тоғи музликларидан топилган. У 2500 йил давомида музлик ичида қолиб кетганига қарамай, деярли шикастланмай сақланган. Бу эса гиламдўзлик қадимий ҳунар эканлиги, уни тўқишда ўша пайтда катта тажриба ва маҳорат шакллганидан далолат беради. Ҳозирда ушбу гилам Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Эрмитаж музейида сақланади.

Гиламдўзлик, жумладан, Шарқда ҳам кенг тарқалган бўлиб, "Хива гилами", "туркман гилами", "озарбайжон гилами", "эроний гилам" каби атамалар бежиз пайдо бўлмаган, улар бетакрорлиги ва юқори сифати билан дунёда доврўғ қозонган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимдан Уссури, Бобил, кейинчалик Эрон, Ҳиндистон, Туркия гиламлари машҳур бўлган.

4-бет

Хиёбон

АДАБИЁТДАН ВА... АДАБИЁТДАН БОШҚА ГАПЛАР ҲАҚИДА

ЁЗУВЧИ ШОЙИМ БЎТАЕВ БИЛАН ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ МАРҲАБО ҚЎЧҚОРОВА СУҲБАТИ

— Яқиндагина 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини ўзгача руҳ ва кайфиятда кутиб олдик. Академик шоир Ғафур Ғулом айтмоқчи, сизнинг хаёлингиздан нималар кечди ва кечмоқда?

— Урушнинг даҳшатли фожиалари... Урушда бедарак кетган ўғлини дарвоза ёнида мангу кутиб, ҳар куни бир коса овқат олиб қўядиган момоларимизнинг қиёфасида унинг манзаралари акс этарди. Отаси фронтга жўнаб кетганидан сўнг туғилиб, умрбод унинг қандай киши бўлганини тасаввур этмоққа уринган уруш болаларининг ўксик нигоҳларида акс этарди у фожеалар. Шундайлардан бирининг тўрт қатор шеъри ёдимда қолган:

Мен отамни кўролганим йўқ,
Дийдорига зор бўлиб ўсдим.
Мурғак дилим қисганда алам,
Урушларни қарғадим, сўкдим...

Инсоният тарихидаги энг мудҳиш ҳодисалардан бири ҳисобланган бу уруш жабрини дунёнинг 72 давлатидан турли миллатга мансуб 110 миллион киши чеккан, 40 давлат ҳудудида ҳарбий ҳаракатлар олиб борилган эди. Бу фақат айтишга осон.

— Сизнинг қатор асарларингиз, "Отам нега жим?", "Мактаб қоровули", "Олхўри гулга кирди", "Қора совуқ" номли ҳикояларингиз, "Юлдузларга элтар йўл" қиссангиз уруш мавзусида...

— Тўғри. Ёдингизда бўлса, "Юлдузларга элтар йўл"да шундай эпизод бор: *"Ўша тунда ҳеч қайсиси мижжа қоқмай осмонга, юлдузларга термулиб ётишипти.*

"Э, худо, уларнинг кўнглига инсоф сол, — дея ўйлапти Бувиш. — Уруш бошланмасин. Тилаб-тилаб олган ёлғиз ўғлим кетиб қолса мен нима қиламан? Ўғлим қолиб отаси кетиб қолса биз нима қиламиз?"

"Э, худо, уруш бошланиб ўғлимиз кетиб қолса мен ҳам, онаси ҳам бир кун яшолмаймиз, — деб ўйлапти Ҳотам. — Яхшиси мен бориб, ўз хоҳишим билан кетсам ўғлим шу ерда қолади. Мен кетсам, ёлғиз онасининг қаровчиси бўлган ёлғиз ўғил деб уни аскарликка олишмайди. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади. Пешонамда бўлса қайтиб келарман."

"Ота-онам мени шу ёшга етказиб кийинтириб боқди, — деб ўйлапти Турсунмурод. — Мен аввалроқ бориб ўз хоҳишим билан кетсам, отам қолади."

Улар шу тариқа хаёл сура-сура саратон осмонини бўзартиришипти".

Оқибатда нима бўлади? Ота ҳам, ўғил ҳам урушга кетиб, ёр ва она қиёфасидаги Аёл ёлғиз қолади. Унинг қалб оғриқлари ҳали-ҳануз тугамаган.

8-бет

Муносабат

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ – ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 4 майда "Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони имзолангани истиқлол йилларида юртимизда фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муҳити, кайфияти юксалаётганининг яна бир яққол тасдиғи бўлди.

Бу ижобий жараёнлар кишига мамнуният бағишлайди. Нега деганда, ҳар биримиз демократия неъматлари истеъмолчиси бўлиш билан чекланиб қолмасдан, балки шу неъматларни яратувчи фаол шахслар сифатида ўзлигимизни намоён этишимиз — бугунги давр талабидир.

Ҳамюртларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда изчил ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода, кейинги даврда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида демократик ўзгаришларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг (ННТнинг) роли ва аҳамияти, ижтимоий фаоллиги, умуман, улар фаолиятининг самарадорлигини кучайтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар кўрилди.

3-бет

Зиёрат масканларида

ҚИЛИЧ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ: БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

Мамлакатимизда миллий ва маънавий қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш ва тарғиб этиш, маданий ёдгорликлар, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида мавжуд маданий ёдгорликлар, юртимиз шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осори-атиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бугун мамлакатимизда 7 минг 500 га яқин маданий мерос объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, шундан 4 минг 308 таси археология ёдгорлиги, 2 минг 79 таси архитектура ёдгорлиги, 694 таси монументал санъат ёдгорлиги, 395 таси эса диққатга сазовор жой саналади. Навоий вилоятининг Конимех туманида ҳам кўплаб археологик ёдгорликлар, муқаддас қадамжолар мавжуд. Чордара археологик тепалик, Шўрқўлтепа, Шўрқўлтепа-1, Тўқманғит, Тўқманғит-1, Тўқманғиттепа, Шўртепа, Момиқчи, Қумработ, Жалаултепа, Ғойиб ота каби археологик тепаликлар, монументал объектлар ва Мих ота масжиди, Раим хўжа масжиди, Қилич ота каби зиёратгоҳ ҳамда маданий мерос объектлари айни ҳудудда жойлашган.

2-бет

Танқиддан сўнг...

НОҚОНУНИЙ ЧИҚИНДИХОНА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Газетамизнинг 2018 йил 7 мартдаги 10-сонида Бўзсув каналининг Тошкент вилояти Зангиота тумани "Қатортол" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми ночор ва ташландиқ ҳолга келгани, атрофида чиқиндилар йиғилиб қолгани фотолавҳалар асосида танқид қилинган эди. Таҳририятимиз фотомухбирининг мазкур танқидий материали халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган депутатлар эътиборидан четда қолмади. Куни кеча таҳририятимизга мазкур масала юзасидан ўрганишлар олиб борилиб, муаммолар ижобий ҳал этилгани юзасидан хат келди. Муаммо қай даражада бартараф этилгани билан қизиқиб, ЎзМТДП вилоят кенгаши ҳамда "Қатортол" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари билан боғландик.

— Аҳолини қизиқтираётган масалаларни ҳал этиш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш барча даражадаги партия ташкилотлари ва ЎзМТДПдан сайланган депутатлар зиммасига алоҳида масъулият юклайди, — дейди партия вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. — Партия гуруҳимиз аъзолари аҳоли орасига кириб, уларнинг ўй-фикрларини ўрганишга, муаммоларини ижобий ҳал қилишга интилмоқда.

2-бет

Ушбу сонда:

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ
ЁХУД ТУҒРУҚХОНАЛАРДАН БОШЛАНАЁТГАН ДАХМАЗАЛАР ҲАҚИДА

5-бет

ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ БОЙ МЕРОСИ
АВЛОДЛАР КАМОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

6-бет

"ПАРИЖ МАНХЭТТЕНИ"
ЁХУД ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ ДЕФАНС МАВЗЕСИГА САЁҲАТ

7-бет

MILLIY TIKLANISH — мамлакатимиз миллий тикланишига хизмат қилади!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида, шунингдек, fb.com/milliytiklanish, t.me/milliytiklanish_uz ижтимоий тармоқларида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна давом этмоқда!

Нашр курсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
20 (504) 2018 йил 16 май, чоршанба

ЎзМТДП фракциясида

ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида"ги, 2017 йил 18 июлдаги "Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 10 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари асосида амалга ошириб келмоқда. 2017 йилги ҳисобот ҳам юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатлар ижросидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Ўтган йилда Ҳисоб палатасига юклатилган вазифа ва топшириқлар ижроси бўйича ўтказилган текшириш ва ўрганишлар (аудит) натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 66, Вазирлар Маҳкамасига 3 маълумотнома ва таҳлилий материаллар киритилди. Шунингдек, ўрганишлар натижасида 2 минг 145 ҳолатда 36,5 миллиард сўм ва 7 миллион АҚШ долларлик ноқонуний ва самарасиз харажатлар, 38 ҳолатда 268,3 миллиард сўмлик бюджет тизими бюджетларига қўшимча даромад суммаси, 75 ҳолатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш ҳамда мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва эътирозлар, 3 минг 442 ҳолатда амалий ёрдам ва кўрсатмалар берилган. Киритилган маълумотнома ва таҳлилий материаллар натижасида 10 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ва баённома қабул қилинган.

Бюджет тизимига маблағлар ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар тушумининг тўлиқлигини ўрганиш ва назорат қилиш, замонавий ахборот технологияларини кенг қўллаш орқали бюджет даромадларини кўпайтириш захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, бюджет тизими бюджети ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга оширилаётган харажатларнинг самарадорлиги ва қонунийлигини аудитдан ўтказиш ва барча даражада уларни қисқартириш бўйича захираларни аниқлаш Ҳисоб палатаси зиммасидаги асосий вазифалардан саналади. Йиғилишда қайд этилганидек, Ҳисоб палатаси ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳисобот даврида соҳа ва тармоқлардаги даромад ва харажатлар самарадорлигини ўрганди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Ҳисоб палатаси ходимлари ҳамкорлигида соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ижросини таъминлаш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларга чиқиб, қатор ўрганишлар амалга оширилди. Ўрганишлар давомида қишлоқ оилавий поликлиникалари ҳудудида аҳоли учун арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган "Дори-дармон" акциядорлик компанияси тизимидаги дорихоналарни жойлаштириш ҳамда ҳудудларда тез тиббий ёрдам шохобчаларини ташкил этиш ишлари қониқарсиз даражада эканлиги аниқланди. Бирламчи тиббиёт муассасаларида умумий амалиёт шифокорлари ҳамда тор мутахассисликлар штат бирликлари шифокорлар билан тўлдирилмаган. Тез тиббий ёрдам бригадаларининг чақирувлар учун дори-дармон воситаларига сарфланаётган бюджет маблағлари ўрганилганда, битта чақирув дори-дармон харажати учун ажратилаётган маблағлар республика ҳудудлари бўйича номутаносиблиги маълум бўлди. 2017 йилда тиббиёт соҳасига 2016 йилга нисбатан кўп маблағ ажратилганига қарамай, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида сезиларли ўзгаришлар бўлмаганлиги аниқланган. Ўрганишлар якуни бўйича Ҳисоб палатасининг кўрсатмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари ЎзМТДП мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, Ҳисоб палатасининг 2017 йилги фаолияти якунлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. 2018 йил учун қабул қилинган Давлат дастурининг 190-бандида белгиланган Ўзбекистон халқининг умуммиллий қадрияти бўлмиш маданий ва археология мероси объектларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг тизимли равишда бажарилиши устидан Ҳисоб палатаси назоратни янада кучайтириши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Депутатлар ҳудудлардаги ўрганишлари давомида аниқланган муаммолар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда ўз таклифларини, мулоҳазаларини баён қилди. Ҳисоб палатасининг ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарга бириктирилган вакиллари депутатлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши йўлга қўйилса, жойлардаги хато ва камчиликлар, муаммоли вазиятларни биргаликда ўрганиш ва ҳал этиш имконияти пайдо бўлиши қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда ЎзМТДП фракцияси фаолиятига дахлдор бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, фракция ташаббуси билан Қонунчилик палатаси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбариятининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги "2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижроси ҳақида"ги ахбороти эшитувини ўтказишга тайёргарлик масаласи муҳокама этилди.

— Туризм соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашиш партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Нодир Мухторов парламент эшитувига тайёргарлик хусусида сўз юритар экан. — Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид фармон ва қарорлари асосида фракция аъзолари, партия фаоллари жойларда ўрганишлар олиб бормоқда. Фракция аъзоларининг май ойида ҳудудлардаги ўрганишлари давомида ҳам алоҳида саволнома асосида жойлардаги туризм манзиллари, шу жумладан, аэропорт ва вокзалларда яратилган шарт-шароитлар, муаммо ва камчиликлар яна бир карра ўрганилади. Барча ўрганишлар якунлари асосида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ахборотини эшитиш назарда тутилган. Бу соҳадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, юртимизга келаётган сайёҳлар учун ҳар томонлама қулай шароит ва имкониятлар яратиш соҳа ривожига хизмат қилади.

Дарҳақиқат, юртимизнинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш мамлакат иқтисодиётини юксалтириш билан бирга, бой тарихимиз, улкан маънавий-маданий меросимизни тарғиб этиш, дунё сайёҳлари эътиборини мамлакатимизга янада кенгроқ қаратишда муҳим аҳамият касб этади. Айни шу мақсадда партия дастурий вазифаларига мос равишда тарихий қадамжолар, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва ободонлаштириш, уларнинг барчасини давлат рўйхатига олиш ва туристик маршрутларга киритиш масалаларига эътиборни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Парламентда ташкил этилаётган ҳукумат соатларида маданий мерос объектлари билан боғлиқ масалаларни кўтариб чиқиш борасида таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан ЎзМТДП фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Зиёрат масканларида

ҚИЛИЧ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ: БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ АВЖИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Шўркўл ҳудудида жойлашган Қилич ота зиёратгоҳида бугун кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Зиёратгоҳни таъмирлаш лойиҳаси ишлаб чиқилган ва шу асосда улкан қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Тез орада ушбу манзилгоҳ янгича кўринишга кириб, у ерда зиёратчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Тарихий маълумотларга кўра, Қулши Артиқ ўғли Тўққизтепанинг (ҳозирги Шўркўл ҳудудининг) Амантубек қишлоғида истиқомат қилган. Бухоро ислом мадрасасида диний таълимот билан биргаликда дунёвий билимларни ҳам эгаллаган.

— Қулши Артиқ ўғли отасининг вафотидан сўнг Тўққизтепа беклигини бошқарган, — дейди Конимех тумани "Шўркўл" маҳалла фуқаролари йиғинида истиқомат қилувчи Шариб Умирбаев. — Қулшибий (айрим манбаларда Қилич ота) Артиқ ўғли, унинг отаси Жадиқ, Жадиқнинг отаси Аннас, уларнинг бобоси Жанибекхон ўз замонасининг улуғ инсонларидан бўлиб, халқни бошқариб келган. Ўша даврларда Тўққизтепа беклиги Бухоро амирлигига қарашли ҳудудлардан бири саналган. Тўққизтепа беклиги амирликка от, туя, чорва маҳсулотлари ҳамда ёй етказиб турган.

Қулшибий халқ орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор билимдон инсон бўлиб, кейинчалик унга авлиё ота ёки "Қулшибий ота" нисбати берилган. Унинг вафотидан сўнг қабри муқаддас қадамжога айланди — Қилич ота мажмуаси бунёд этилди. Зиёратгоҳ аввалига "Қулшибий ота", деб аталган, кейинчалик "Қилич ота" номини олди.

— Дунё жамоатчилиги эътиборига тушган, халқимиз ардоғидаги тарихий қадамжолар, зиёратгоҳларни сақлаб қолиш, асраб-авайлаш, кейинги авлодларга асл ҳолида етказиш, уларни ўсиб келаётган ёшларимиз орасида тарғиб қилиш энг муҳим вазифаларимиздан биридир, — дейди халқ депутатлари Конимех туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари Калдарбек Есибеков. — Зиёратчилар учун қулайликлар яратилиши қадамжоларимизга ташриф буюрувчилар сонининг ортишига хизмат қилади. Айниқса, Қилич ота зиёратгоҳига нафақат юртимиз аҳолиси, балки қўшни республикалардан ҳам зиёратчилар ташриф буюрмоқда. Бугун зиёратгоҳда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари келгусида ички туризм билан бир қаторда кириш туризми ривожланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар халқимиз ардоғидаги улуғ авлиёларнинг мақбаралари, айниқса, ички туризм ривожланишига улкан ҳисса қўшади. Шу боис уларда зиёратчилар учун яратилаётган шароитлар кундан кунга яхшиланиб, муқаддас қадамжолар атрофи янада обод, кўркам, сўлим гўшаларга айлантирилмоқда.

Нигора ШУКУРОВА,
ЎзМТДП Конимех туман кенгаши
етакчи мутахассиси

Танқиддан сўнг...



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган суратлар

НОҚОНУНИЙ ЧИҚИНДИХОНА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Жумладан, "Миллий тикланиш" газетасининг шу йил 7 мартдаги 10-сонида эълон қилинган фотоайбномада Бўзсув каналининг Тошкент вилояти Зангиота тумани "Қатортол" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми ташландиқ ҳолга келгани, атрофида чиқиндилар йиғилиб қолгани тасвирланган эди.

Партия гуруҳимиз аъзолари мазкур масалани ўрганиб, ҳудуд аҳолиси билан очиқ мулоқот ўтказди. Ўрганишлар давомида Бўзсув каналининг Зангиота тумани Қатортол маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисми атрофи ҳақиқатдан ташландиқ ҳолатга келиб қолгани аниқланди. Очиқ мулоқот чоғида аҳоли вакиллари ҳудудни чиқиндилардан тозалашда кўмак беришларини сўраб мурожаат қилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Абдужаббор Сайдуллаев "Миллий тикланиш" газетасидаги "Фотоайбнома" рукни остидаги материал ҳамда аҳоли мурожаатлари асосида Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига депутатлик сўрови юборди. Орадан кўп ўтмай, ушбу сўровда акс этган масала ўзининг ижобий ечимини топди. Ноқонуний чиқиндихонани бартараф этиш мақсадида Қатортол маҳалласи аҳолиси билан биргаликда Бўзсув каналининг атрофида тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

— Тоза, озода жойда файз-барака бўлади, — дейди "Қатортол" маҳалла фуқаролар йиғини раоли Мунаввархон Абдурасулова. — Мазкур ҳудуднинг ободонлаштирилиши аҳоли учун қулайлик яратиш баробарида теварак атроф мусаффолигини сақлаш, ҳудудни файзли масканга айлантириш имконини беради. Маҳалламиз аҳолиси билан Бўзсув канали атрофида йиғилиб қолган чиқиндиларни тозалашда баҳамжиҳат иштирок этдик. Шунингдек, депутат бизга "Тоза ҳудуд" давлат унитар корхонасининг Зангиота туман филиали билан чиқиндиларни олиб кетиш бўйича шартномалар тузиш юзасидан ўз тавсияларини берди.

Таҳририятимиз фотомухбирининг ўз касбига масъулият билан ёндашиши, ташландиқ ҳудуд олдидан бепарво ўтиб кетмай, тайёрлаган фотоайбномаси асосида мавжуд муаммо бартараф этилди. Агар ҳар биримиз "менга нима фойдаси ёхуд зарари бор?" қабилида иш тутмасак, жуда кўп муаммолар ўз вақтида бартараф этилиши шубҳасиз. Қолаверса, яқинда қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун ҳар бир фуқаронинг жамоатчилик назорати тартибида жойлардаги турли масала-муаммоларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшишига ҳуқуқий асос яратди.

О. НАСРИДДИНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Спорт — саломатлик гарови

МУСТАҲКАМ ВА СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Оила — муқаддас даргоҳ, жамиятнинг асосий бўғини. Миллат келажагига дастлаб оилада пойдевор қўйилади, унда ҳаётнинг давомийлигини таъминловчи авлод шаклланади, миллий маданият, урф-одатлар, ахлоқий-маънавий қадриятлар асраб-авайланади.

Халқаро миқёсда оила институтини ривожлантириш ва унинг ижтимоий мустаҳкамлигига эришиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 1993 йил 20 сентябрда 15 майни Халқаро оила куни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Шундан буён бутун дунёда бўлганидек, мамлакатимизда ҳам Халқаро оила куни кенг нишонланмоқда. Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро меъёрларни жамиятимиз ҳаётига тўлиқ татбиқ этиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида оила тушунчаси, унинг мазмун-моҳияти, жамиятда тутган ўрни масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳуқуқий асослари яратилди.

15 май — Халқаро оила куни муносабати билан мамлакатимизнинг барча ҳудудида "Соғлом аёл — жамият бойлиги" мавзусида велопойга ўтказилди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон велосипед спорти федерацияси билан ҳамкорликда оилавий спортни оммавийлаштириш, хотин-қизлар, айниқса, уй бекаларининг велоспорт турига қизиқишини ошириш ва рағбатлантириш мақсадида аёллар ўртасида ташкил этилган велопойганинг Тошкент шаҳар босқичи аввалида шу хусусда сўз борди.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолияти давомида дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, оила масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, — дейди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Отабек Жиянбоев. — Бу борада жойларда партия фаоллари ҳамда депутатлар, аввало, юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётган аҳоли, аввало, хотин-қизлар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлашга кўмаклашиш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги амалий ишларда фаол иштирок этаётир. Турли соғломлаштириш акциялари, мусобақалар, турнирлар, маърифий тадбирлар ўтказиш орқали жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланишни хотин-қизларнинг кундалик ҳаёт тарзига айлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Айнан хотин-қизлар ўртасида ўтказилган велопойга ҳам соғлом авлод, соғлом оилани шакллантиришга қаратилгани билан эътиборга молик. Чунки фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб дунёга келиши ва улғайиши аёлларнинг саломатлигига боғлиқ.

...Мусобақага старт берилди. Тўрт километрга чўзилган велопойга Яшнабод туманидаги "Корзинка авиатор" савдо мажмуасидан бошланиб, Мирзо Улуғбек кўчасигача, Мирзо Улуғбек кўчасидан эса Тараққиёт кўчалари кесишган жойдан яна "Корзинка авиатор" савдо мажмуасигача бўлган масофада гуруҳларга бўлинган ҳолда, уч босқичда — 18-30, 31-44 ёшгача ва 45 ёшдан юқори бўлган хотин-қизлар иштирокида бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳри ва вилоятидан 500дан ортиқ турли ёшдаги аёллар — партия фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар, идора ва ташкилотлар ходимлари, уй бекалари, олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари иштирок этган веломусобақада барча ёш тоифасидаги гуруҳлар ичидан ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Веломарафонда "Энг ёши улуғ пойгачи", "Энг маҳоратли пойгачи", "Ғалабага бўлган интилиши учун", "Энг ёш пойгачи" каби қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, улар махсус соврин — велосипед ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мусобақада 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган хотин-қизлар ўртасидаги ғолибликни халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Умида Азимова қўлга киритди.

Умида АЗИМОВА,
халқ депутатлари Шайхонтоҳур туман
Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Мамлакатимиздаги кўпчилик оилалар болаларини жисмоний тарбиялашга катта эътибор беради. Бу ёшларда жисмоний тарбия ва спортга барқарор қизиқиш ҳамда эҳтиёжни шакллантирмоқда. Демакки, ёш авлод ота-оналарининг муҳим қадрият йўналишлари бўйича қарашларига қўшилишини, фарзандлар тарбиясида катталарнинг роли ўсиб бораётганини эътироф этаётир. Оилалардаги маънавий муҳитни миллий қадриятларимиз асосида шакллантириш, оила, маҳалла, жамоатчилик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида ташкил этилган велопойга барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Чунки, спорт билан шуғулланган киши нафақат соғлом, балки иродали, мақсад сари интилувчан бўлади, руҳий-маънавий камолотга эришади. Бундай мусобақалар эса соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, хотин-қизлар онгига маънавий ва жисмоний комилликка эришишда спортнинг роли муҳимлигини сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ – ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ

< **Давоми. Бошланиши 1-бетда.**

Президентимизнинг фармонида қайд этилганидек, ўтган даврда ушбу соҳага доир 200 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳақда сўз борганда, аввало, миллий қонунчиликда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси етакчи ўрин тутишини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Асосий Қонунимизнинг 34-моддасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Яъни: "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар".

Конституциямизнинг учинчи бўлимидаги XIII боб — "Жамоат бирлашмалари", деб номланади. Мазкур бобдаги моддалар фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, жамоат бирлашмалари мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган конституциявий қоидалардан ташкил топган. Энг муҳими, Конституциямизда фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги тамойиллари белгиланган.

Ана шу конституциявий нормаларни амалда қўллаш мақсадида "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", янги таҳрирдаги "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида", "Жамоат фондлари тўғрисида", "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида", "Ҳомийлик тўғрисида", янги таҳрирда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида" ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида", шунингдек, "Экологик назорат тўғрисида", "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида", "Ижтимоий шериклик тўғрисида", "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Албатта, фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконни янада кенгайтириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифалар моҳиятидан келиб чиқиб, амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилмоқда ва бугунги давр талаблари асосида янги қонунлар қабул қилинмоқда. Бу ҳақда сўз борганда, авваламбор, 2018 йил 12 апрелда қабул қилинган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни тилга олиш лозим.

Ушбу қонуннинг мақсади — давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонунга биноан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган ННТ, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамоатчилик назорати субъектлари этиб белгиланган.

Жорий йил 18 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, жумладан, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунларга давр талабларидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Мисол учун, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг вакили" номли 142-модда билан тўлдирилди. Янги модда нормаларига кўра, сиёсий партия томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати билан келишилган ҳолда партиянинг тегишли сайлов округидаги ҳудудий бўлими ходимлари орасидан жамоатчилик асосида ишловчи вакил ажратиб берилиши мумкин. Қонунчилик палатаси депутатининг вакили депутатнинг сайлов округидаги ўз сайловчилари билан доимий алоқа ўрнатишига кўмаклашади.

Президентимиз томонидан, шунингдек, шу йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", жорий йил 16 апрелдаги "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2018 йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 17 ноябрдаги "Ҳунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида", 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида", 2017 йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 5 апрелдаги "Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда 2017 йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида", 2017 йил 19 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари тасдиқланди. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли тизимлар фаолиятини тубдан такомиллаштиришга қаратилган изчил ва шиддатли янгиланишлар учун ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда академик илм-фаннинг ролини кучайтириш, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, илғор илмий ютуқларни амалиётга жорий этиш, жойларда илмий мактабларни мустаҳкамлаш ҳамда тегишли ҳудудий ва тармоқ муаммоларини ҳал қилишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ишлари ҳам мамлакатимиз раҳбарининг доимий эътиборида турибди. Иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, халқаро миқёсда мамлакат илм-фани нуфузини ошириш борасида улкан натижаларга эришилмоқда.

Хусусан, 9 та илмий-тадқиқот муассасаси Фанлар академияси таркибига қайтарилди, қатор илмий ташкилотлар қайта ташкил этилди, Фанлар академиясининг фан йўналишлари бўйича 3 та бўлими ва Навоий бўлими ташкил этилди, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши фаолияти йўлга қўйилди. "2017-2021 йилларда республикада илмий-тадқиқот муассасалари инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" амалга оширилмоқда.

Биргина маданий-гуманитар соҳаларни ривожлантириш бўйича қилинган ишлар ҳақида тўхталганда, ўтган йилнинг ўзида маданият, адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллуқли 12 та муҳим ҳужжат қабул қилинганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу фармонида, биринчидан, мазкур соҳанинг ҳозирги ҳолатига мухтасар ва холис баҳо берилган; иккинчидан, мавжуд камчиликлар очиқ-ошкора кўрсатиб ўтилган; учинчидан, аниқланган муаммоларни бартараф этишга доир амалий чора-тадбирлар белгиланган; тўртинчидан, шу таъсирчан чораларни амалда татбиқ этиш ва кутилган самарадорликка эришишнинг аниқ механизмлари кўзда тутилган.

Энг муҳими, фармондан Президентимизнинг бугунги кун ва яқин истиқболда Ўзбекистондаги фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ташаббуслари ўрин олган. Шу маънода, ушбу фармон том маънода тарихий ҳужжатдир.

Фармоннинг танқидий-таҳлилий руҳига келсак, соҳада айни пайтда мавжуд воқелик аслида ҳам шундай. Биргина мисол: айтиб ўтилганидек, бу соҳада қанча қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинган, яъни етарли қонунчилик базаси яратилган. Лекин шунга қарамай, ижтимоий шериклик — давлат органлари ва ННТ ўртасида фуқароларнинг кенг кўламли ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олгани йўқ.

Фармонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ННТни жалб қилиш даражасининг пастлиги ҳақида сўз борган. Бу, ўз навбатида, барча ижтимоий гуруҳларнинг турли ННТ томонидан ифодаланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олишга имкон бермаяпти.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси, шунингдек, ушбу дастурий ҳужжат доирасида 2017 ва 2018 йилларда қабул қилинган Давлат дастурлари ҳам жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, сўнгра қабул қилинган. Бундан кўзланган асосий мақсад — давлат аҳамиятига молик долзарб масалаларни комплекс равишда таҳлил қилиш, кенг жамоатчилик қатламлари, экспертлар шарҳи, фикр-мулоҳаза ва таклифларини ўрганишдан иборат эканини таъкидлаш лозим.

Бинобарин, давлат ва жамият аҳамиятига молик бундай ҳужжатларни тайёрлашда бутун Ўзбекистон халқининг қизиқишлари тўла инобатга олинишини таъминлаш учун аҳоли ўртасида кенг муҳокамалар ташкил этиш, доимий равишда халқ билан мулоқот қилиш тақозо этилади. Бунда, шубҳасиз, фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, ННТ фаол бўлиши даркор.

Бунинг учун эса, афсуски, давлат билан фуқаролик жамияти институтлари ўртасида амалий ва самарали мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаган. Тегишли давлат органлари томонидан мамлакатни социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича инновацион ғояларни таклиф қилувчи фаол, ўзининг ташаббусларига таяниб фаолият кўрсатадиган ННТни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чоралари лозим даражада амалга оширилмаяпти.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ушбу ижтимоий тузилмалар билан амалий мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашини тузиш заруратини кун тартибига қўйди. Президентимиз фармони билан ташкил этилган мазкур Маслаҳат кенгашини тузиш ғояси Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган ва Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида илгари сурилганди.

Фармонда Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари белгиланган. Хусусан, Маслаҳат кенгаши фуқаролик жамиятини ва кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни изчил асосда муҳокама қилиб, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президентини мунтазам равишда хабардор қилиб боради. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, мазкур институтларнинг жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, фуқаролик жамияти институтларига уларнинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришда, илғор халқаро тажрибани ўрганишда ва ушбу тажрибани Ўзбекистон шароитида жорий этишда кўмаклашиш ҳам мазкур Маслаҳат кенгашининг вазифасига киради.

Маслаҳат кенгаши фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мувофиқлаштирилади. Маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш эса Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан амалга оширилади.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда 9 минг 200 дан зиёд ННТ фаолият кўрсатмоқда. Фуқаролик жамиятининг ушбу таянч институтлари юртдошларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, демократик қадриятларни ҳимоя қилишда, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришишда муҳим роль ўйнамоқда.

Бу кўп сонли ННТнинг аксарияти Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда тузилган. Уларни молиявий рағбатлантириш билан шуғулланаётган ягона Фонд, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди эса пойтахтимизда фаолият юритади.

Таъсис этилганидан буён ўтган давр мобайнида мазкур Жамоат фонди томонидан давлат бюджетидан ажратилган 60 миллиард сўмдан ортиқ маблағ 1,5 мингга яқин ННТ ва ОАВга субсидия, грант ва ижтимоий буюртма шаклида берилди. Шу мақсадда 2017 йилда давлат бюджетидан 12 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2018 йил 15 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Бу жорий йилга нисбатан 25 фоиз кўп демакдир.

Айни чоғда, Ўзбекистонда 9 минг 200 дан зиёд ННТ, 1 минг 400 дан ортиқ ОАВ ва 10 мингга яқин маҳалла фуқаролар йиғини мавжудлигини ҳисобга олсак, Ўз-ўзидан Жамоат фондининг юртимиздаги мавжуд фуқаролик жамияти институтларини кенг қамровда рағбатлантириш борасидаги фаолияти етарли эмаслиги аён бўлади.

Шунинг учун фармонда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига икки ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондларини ташкил қилиш вазифаси юклангани жуда муҳимдир.

Мазкур фондлар ўз фаолиятини амалга оширишни давом эттириши учун 2019 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, маҳаллий бюджетлардан зарур маблағлар ажратилиши назарда тутилмоқда. Бу фондлар, шубҳасиз, "учинчи сектор"ни қўллаб-қувватлаш учун маҳаллий давлат бюджетидан йўналтириладиган маблағларни адолат тамойиллари асосида очиқ-ошкора тақсимлашга хизмат қилади.

Жойларда тузилажак ушбу фондларнинг моҳияти ва аҳамияти, бир томондан, юртимиздаги фуқаролик жамияти институтларини янада кенг кўламда қўллаб-қувватлаш имконини берса, иккинчи томондан, нотижорат асосда ишлайдиган, яъни даромадга таянмайдиган бу ижтимоий ташкилотлар вакилларининг моддий рағбат истагида пойтахтга қатнаб, ортиқча маблағ ва вақт сарфлашининг олдини олади.

Президентимиз илгари сурган ташаббуслардан яна бири шуки, 2018 йил 1 июндан бошлаб — рўйхатдан ўтказувчи орган билан ННТнинг тадбирларини келишиш тартиби режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида хабардор қилиш тартиби билан алмаштирилади. Бу нима дегани?

Гап шундаки, фармонда ННТни рўйхатдан ўтказиш жараёнлари, уларнинг фаолияти тартибини белгиловчи қонунчилик нормаларида ортиқча бюрократик талаблар ва ғовлар назарда тутилгани, бу нормалар эскирганлиги ва замон талабларига жавоб бермаслиги кўрсатиб ўтилган. Очиғини айтганда, муайян ННТ ўзи ўтказадиган тадбирни тегишли давлат органи билан "келишиши"нинг ўзиёқ кўпинча турли тўрачилик ва сансалорлик ҳоллатларини келтириб чиқараётгани сир эмас. Бундан буён эса ўша ННТ ўзини рўйхатдан ўтказган давлат органини қандай тадбир уюштираётгани ҳақида хабардор қилиши кифоядир.

Хулоса қилиб айтганда, "Миллий тикланиш" демократик партияси асрлар давомида ўзбек халқининг эзгу ва илғор анъаналари асосида тарихан қарор топган маҳаллани миллий демократик институт сифатида янада такомиллаштириш тарафдоридир. Партиямиз фаоллари нафақат маҳалла тизими, балки барча фуқаролик жамияти институтларининг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда ҳамда миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналарни қайта тиклаш ва бойитишдаги бевосита иштирокини таъминлашда ННТ ролини янада кучайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

"Уйма-уй" лойиҳаси — амалда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида жойларда партия ташкилотлари ва депутатлар ҳамкорлигида одамларнинг муаммолари ўрганилиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгашининг "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" ҳам бу борада қатор амалий саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Хусусан, ҳар иккала қанот вакиллари яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Азамат Пардаев ҳамроҳлигида Нуробод туманида бўлиб, маҳаллаларда ўрганиш ишларини олиб борди.

ОДАМЛАР ДАРДИНИ ТИНГЛАШ, УЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛИШ

ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ

Партия вакиллари Наврўз маҳалласида истиқомат қилувчи Сирожиддин Азимов хонадонида бўлганида, фуқаро 5 ёшли фарзандини мактабгача таълим муассасасига жойлаштира олмаётганлигини билдирди. Депутат шу жойнинг ўзида туман мактабгача таълим муассасаси бўлими мудири Дилобар Амирова билан боғланиб, масаланинг ижобий ҳал бўлишига кўмаклашди.

Бобур кўчаси 1-уй 73-хонадонда яшовчи Муаззам Кўчқоровонинг турмуш ўртоғи кўп йиллардан буён бетоб, қарамоғида икки нафар фарзанди бор. У 33 ёшли қизи Феруза Тўхтаеванинг ногиронлиги, шу боис фарзанди учун кам таъминланган оилаларга ажратилаётган бинолардан уй олишда кўмаклашишини сўраб мурожаат қилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Азамат Пардаев унга "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан берилган дори-дармонларни топширди. "Наврўз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан маслаҳатлашилгач, Феруза Тўхтаева янги қуриладиган арзон уйлар талабгорлари рўйхатига киритилди.

Партия фаоллари халқ депутатлари Пайариқ туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Нилуфар Нурматова билан биргаликда "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида тумандаги "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Эшимоқсоқ қишлоғи аҳолиси билан учрашув ўтказди. Дастлаб лойиҳа иштирокчилари қишлоқдаги 52-уйда истиқомат қилаётган I-гуруҳ ногирони Ғафур Санақуловнинг хонадонида бўлди. Ушбу оиланинг яшаш шароити билан танишиб, уларни қийнаб келаётган масалалар юзасидан суҳбат олиб борилди. Асли касби устачилик бўлган Ғафур ака бундан 12 йил муқаддам томдан йиқилиб, тўшакка михланиб қолган. Айни пайтда ногиронлик нафақасини олади ва шунинг ҳисобига рўзғорини тебратади. Умр йўлдоши Ҳилола Санақулова эса уй бекаси ва уларнинг қарамоғида уч нафар фарзанди бор. Ҳ.Санақулова тикувчи, турмуш шароитини яхшилаш учун партия фаоллари ва депутатдан тикув машинаси олишда ёрдам беришларини сўради. Ушбу масалага туман ҳокимлиги кўмагида ечим топиладиган бўлди.

Партия фаоллари шу қишлоқдаги 531-хонадонда ҳам бўлиб, оиланинг яшаш шароитини ҳамда уларни қийнаб келаётган масалаларни атрофлича ўрганди. Хонадон эгаси Моҳира Улуғмуродованинг турмуш ўртоғи вафот этган, у икки нафар қизи билан бирга яшайди. Оила давлат томонидан бериладиган боқувчисини йўқотганлик пенсияси ҳисобига кун кечиради. Катта қизи Мунира Улуғмуродова 2015 йили Пайариқ маиший хизмат ва сервис касб-ҳунар коллежини тикувчилик йўналиши бўйича тамомлаган, лекин ҳозирда ишсиз. Бу оилага ҳам тикув машинаси олишда кўмаклашиладиган бўлинди. Бундан ташқари, лойиҳа иштирокчиларининг бевосита аралашуви билан маҳалла томонидан уларга моддий ёрдам пули ҳам тайинланди.

Эшимоқсоқ қишлоғида тикувчи хотин-қизлар кўп, аммо уларнинг бандлигини таъминлайдиган бирорта цех йўқ. Муқаддам Аҳмедова тикувчилик цехи очиш нияти борлигини билдириб, партия фаоллари ва депутатдан банкдан кредит олишда амалий ёрдам беришларини сўради. Фуқарога бунинг учун бизнес лойиҳа ва зарур ҳужжатларни тайёрлаш лозимлиги тушунтирилди. Депутат Нилуфар Нурматова ҳужжатлар тайёр бўлгач, банкдан кредит олишга кўмак кўрсатишини билдирди.

Қарамоғидаги уч нафар фарзанди билан укасининг уйида яшаб келаётган Аслиддин Маманов соғлиги туфайли ишлай олмайди, уй-жойга ва моддий таъминотга муҳтож. Турмуш ўртоғи Шаҳло Худойбердиева ҳам фарзандлари ҳали ёш бўлгани учун ҳеч қаерда ишламайди. Партия вакиллари, депутат ҳамда маҳалла фаоллари кўмаги билан уларнинг фарзандлари шу ҳудуддаги боғчага имтиёзли равишда қабул қилинадиган бўлди. Пайариқ туман Бандликка кўмаклашиш маркази мутахассиси фуқаро Шаҳло Худойбердиеванинг иш билан таъминланиши, оилага уй-жой қуриши учун қишлоқ ҳудудидан ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимига мурожаат қилишини билдирди.

ЎзМТДП Нарпай туман кенгаши томонидан ҳам "Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз" лойиҳалари доирасида жойларда аҳоли билан мунтазам мулоқотлар ўтказилиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилаяпти.

Навбатдаги манзил — Амир Темур номидаги маҳалла. Маҳалланинг Анҳор кўчасида истиқомат қилаётган Гулсара Жамолова партия фаолларига 3 сотихли хонадонда тўрт хўжалик истиқомат қилишини билдириб, уй-жой қуриш учун туман ҳудудидан ер майдони ажратилишида ёрдам сўради. Мурожаат юзасидан халқ депутатлари Нарпай туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Шавкат Мелиқулов туман "Ермулккадастр" давлат унитар корхонаси раҳбарига депутатлик сўрови юборди. Мазкур сўровга жавобан фуқарога тумандаги "Бўстон" массивидан уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилиши маълум қилинди.

Анҳор кўчасида истиқомат қилувчи яна бир фуқаро Райҳон Амирқулова партия фаоллари ва депутатдан хонадонида чорва моллари сонини кўпайтириб, қўшимча даромад олиш мақсадида чорва учун кредит олишда кўмак беришларини сўради. Мурожаат юзасидан депутат Шавкат Мелиқулов "Агробанк" Нарпай туман филиали бошқарувчисига депутатлик сўрови юборди. Ушбу масала ҳам тез орада ижобий ҳал этилиши кутилмоқда.

Бу каби амалий ишлар мавжуд муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг партия ва депутатларга бўлган ишончи мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Таклиф ва мулоҳаза

МИЛЛИЙ ГИЛАМДЎЗЛИК: ҚАДИМИЙ, БОЙ ВА РАНГ-БАРАНГ

ҲУНАРМАНДЛАРИМИЗ МАҲОРАТИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ АЛОҲИДА МУЗЕЙ ТАШКИЛ ЭТИЛСА...

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

XII аср қўлёзмалари ўша даврларда гилам тўқиш санъати Ўрта Осиёда, шу жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ривож топганлигини тасдиқлайди. Айниқса, XIV асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёда гиламдўзлик санъати кенг ривожланган. Гилам тўқиш устахоналарида ҳам хорижий, ҳам маҳаллий усталар меҳнат қилган. Темурийлар даврида асосан эроний ва туркий анъана уйғунлашган, XVI асрдан бошлаб Мовароуннаҳрда даштиқипчоқ ўзбек қабилаларининг гиламдўзлик намуналари кенг тарқалган. Туркий халқлар ҳунармандлик анъаналарининг ўзаро уйғунлиги ва мутаносиблиги ўзбек миллий гиламдўзлик маданияти асосини ташкил этади.

— Юртимизда гиламдўзлик ва кигиз босиш халқ ҳунармандчилигининг қадим турларидан бири сифатида ярим кўчманчи (чорвадорлик) тарзида ҳаёт кечирадиган жун маҳсулотларига бой маҳаллий қабилаларнинг асосий машғулоти бўлган, — дейди **Республика "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Акобир Ҳакимов.** — Гиламдўзлик Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимдан ривожланган. Буни Хоразмдаги археологик изланишлар пайтида топилган милоддан аввалги биринчи минг йилликка мансуб гилам намунаси ҳам тасдиқлайди. XX асрнинг 30-йилларидан кейин пат боғлайдиган махсус дастгоҳлар пайдо бўлди, артеллар тузилиб, уларга халқ усталари жалб қилинди. Ушбу дастгоҳлар воситасида турли услубдаги сифатли гиламлар, майда рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилди.

Ушбу ҳунармандлик тури юртимизда кенг тарқалган бўлиб, айни пайтда у билан йирик корхоналардан ташқари қарийб 30 минг уй хўжалиги шуғулланади. Бугунги кунда асосан Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида анъанавий мактаблар сақланиб қолган бўлиб, улар ушбу ҳунармандлик тури марказлари сифатида фаолият кўрсатмоқда. Гилам тўқиш санъати асрлар давомида наслдан наслга ўтиб келаяпти. Жулхирс, гажарий, кохма, окэлен, терма, тақир гилам — булар узун ва қисқа патли ҳамда патсиз гиламлар ҳисобланса, бўғжома, жойнамоз, напрамач, хўржин, тўрва, жабдук, ўтов жиҳозлари соф гиламдўзлик буюмлари саналади. Ҳунармандликнинг асосан аёллар шуғулланадиган ушбу тури ниҳоятда сермашаққат иш, тўқувчидан қунт, дид ва маҳорат талаб қилади. Республика "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо юзлаб ҳунармандлар меҳр ва юксак дид билан тўқиётган турли йўналишдаги гиламларга миллийлик

руҳини сингдириб, зеб беради. Уларнинг қўл меҳнатлари намуналари турли кўрик-танлов ҳамда кўргазмаларда кенг намойиш этилмоқда. Гиламдўзлик маҳсулотларининг сифати ва дизайни, турлари, ранг-баранг кўринишлари нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик меҳмонлар, сайёҳларни ҳам лол қолдираётгани ҳар биримизни беҳад қувонтиради. Юртимизда ҳунармандлик ва унинг турларини ривожлантириш, ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ҳунармандликнинг кенг тарқалган тури — гиламдўзлик анъаналарини сақлаб қолиш, ривожлантириш, уни авлоддан-авлодга бус-бутун етказиш, соҳани кенг тарғиб қилиш ва янада кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир.

Ватанимиз — қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти билан шуҳрат қозонган. Мамлакатимизда гиламдўзликнинг бир неча тури, йўналиши ва услублари бор. Гиламлар асосан жун, ипак, каноп, пахта ва бошқа иплардан тўқилади. Ушбу ҳунарни эгаллаш кишидан қунт, сабр-тоқат ва синчковлик талаб этади. Гилам тўқиш учун қирқилган жунлар ювилиб тозаланади, темир тароқларда таралиб, ундан ип йигирилади. Иплар ўсимликлардан тайёрланган турли табиий бўёқларда бўялади. Шунинг учун гиламлар ранги ўзгармайди ва ўзининг сифатини йўқотмайди. Тўқилишига кўра гиламнинг патли ва патсиз, безагига кўра нақшли ва мавзули турлари мавжуд. Яратилишига кўра тўқима, тикма ва босма турлари кенг тарқалган. Ижро усули, сифати ва мужассамотининг мураккаблиги билан қўлда тўқиладиган гиламлар бетакрордир. Улар турли ҳажмда тайёрланади.

Ўзининг дизайни, ранги ва нақшларга бойлиги, ижро усули ва бадиий жиҳатдан ажралиб турадиган турфа гиламларда ислимий ва гириҳ нақшларда ҳайвон шакллари, турли нарсалар тасвири, безакларида йўлбарс ва туя



излари, олма гули, узум занги, туя бўйни ва ўсимликлар ифодаланган. Мужассамотининг берклиги, марказий майдоннинг нақшли ҳошия билан ўралганлиги Ўрта Осиё гиламларига хос хусусият саналади. Накшнинг аниқ ва гўзал бўлиши, ранглари нинг уйғунлиги уларнинг бадиий қимматини оширган. Одамлар сурати солинган турли шакл, безак-нақшли гилам буюмлари асосан, уй ва иш жойларига совға учун мўлжалланган.

Яқинда Интернетдаги бир ахборот сайтида қўлгул ҳунармандларимиз тўқиган заргилам ҳақида ўқиб қолдим. Халқаро экология, инсон ва табиат хавфсизлиги фанлари академияси аъзоси, ҳуқуқшунос, тадбиркор Анвармирзо Ҳусаинов Темурийлар тарихи давлат музейининг марказий композицияси бўлган "Амир Темур — жаҳон тахтида" номли суратдан завқланиб, ушбу сурат асосида гилам тўқитган. Бу гилам оддий гилам эмас, балки зардўзлик санъатининг чўққиси ҳисобланади. Заргиламда кумуш ва олтин суви югуртирилган иплар ишлатилган. Баландлиги 2,10, эни 3,45 метр бўлган ушбу гилам 1996-1998 йилларда тўқилган. Анвармирзо Ҳусаинов ушбу заргиламни Москвадаги кўргазмада ўзбек ҳунармандчилик санъати рамзи сифатида намойиш қилганида кўпчиликнинг ҳаваси келган, ҳатто бир бадавлат харидор у учун бир миллион АҚШ доллари таклиф қилганида ҳам сотмаган. Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

Дарҳақиқат, юртимизнинг ҳунармандлик маҳсулотлари жаҳондаги санъат шайдолари орасида катта шуҳрат қозонган. Хусусан, халқ амалий санъатининг мураккаб ва бетакрор тури — ипак гилам тўқишга ихтисослашган "Самарқанд-Бухоро ипак гилами" кўшма корхонасида ҳам табиий бўёқлар ва қўл меҳнати эвазига яралаётган нафис, сержило, юз фоиз табиий хомашёдан тайёрланган ипак гиламлар сайёҳлар эътиборини тортиб, ўз харидорларини топмоқда.

Бугунги кунда юртимиз музейлари, миллий ҳунармандлик, халқ бадиий ва амалий санъати билан шуғулланувчи фуқаролар қўлида ана шундай ноёб гиламлар, гиламдўзликнинг юксак намуналари сақланиб келаётгани ҳам сир эмас.

— Юртимизда ҳунармандликни янада ривожлантириш, унинг йўқолиб бораётган турларини тиклаш, ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар меҳнати билан бунёд бўлаётган маҳсулотларни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди **Ўзбекистон амалий санъат музейи директори ўринбосари Зуҳра Холиқова.** — Музейимиздан ўрин олган ҳунармандликнинг турли йўналишидаги нодир буюмлар халқимизнинг ижодкорлиги ва ўзига хос миллий услуб ҳамда анъаналаримиздан далолат беради. Алоҳида ташкил этилган гилам зали экспозициясида ҳудудларимиздаги гиламчилик мактабларининг ўндан ортиқ гилам ва гиламчилик буюмлари намуналари ўрин олган. Мазкур залда гилам тўқийдиган дастгоҳ ўрнатилган бўлиб, улар воситасида маҳорат дарслари ўтказилади. Миллий гиламдўзликнинг ноёб намуналари нафақат бизда, балки ҳудудларимиздаги деярли барча музейда ҳам сақланади. Бизнингча, бундай тарқоқликка барҳам бериш, узоқ тарихга эга ушбу ҳунар турини ривожлантириш, унинг ўзига хос тур ва намуналарини асраб-авайлаш, янада бойитиш, юртдошларимиз ва хорижий сайёҳларга кенг тарғиб қилиш мақсадида уларни бир жойга тўплаб, алоҳида музей ташкил этиш, мақсадга мувофиқ. Бунинг учун бизда экспонат етарли — ҳар бир ҳудудда ўзига хос услубга эга гиламчилик мактаблари шаклланган ва уларнинг бетакрор намуналари мавжуд.

Дарҳақиқат, дунё тажрибасини кузатадиган бўлсак, гиламдўзлик мактаблари шаклланган Эрон, Туркия, Озарбайжон, Туркманистонда бугунги кунда ушбу соҳани янада ривожлантириш, юксак намуналарни сақлаб қолиш мақсадида алоҳида музейлар ташкил этилган. Масалан, Туркманистонда ҳар йили май ойининг охирги якшанбасида "Туркман гилами байрами" кенг нишонланади, Ашхободда ушбу ҳунармандлик турини намойиш ва тарғиб қилувчи алоҳида музей ҳам фаолият кўрсатади. Бундан ташқари, Озарбайжон пойтахти — Боку шаҳрида гилам шаклида бунёд этилган Латиф Каримов номидаги Гилам ва халқ амалий санъати музейи ташкил этилган, бундай музей Машҳадда ҳам мавжуд.

— Шаҳарсозлик тарихимиз қанчалик чуқур илдизга эга эканлигидан далолат берувчи, 2000-3000 йиллик ўтмишга эга Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон сингари шаҳарларимизда қурилган турли иншоотлар — саройлар, кўшклар, меҳмонхоналар, ҳашаматли иншоотларни гиламсиз тасаввур қилиб бўлмайди, албатта, — дейди **тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Азамат Зиё**. — Ўрта асрлар китобчилик санъатининг ажралмас бўлаги саналмиш рассомлик намуналари — суратларда сарой, уй ичи, айвон, шийпон, супаларга тўшалган бетакрор гиламларни кўриш мумкин. Хусусан, 1403 йили ўзбек давлати пойтахти Самарқандга келган Руи Гонсалес Клавихо эсдаликларида ҳам бу борада қимматли гувоҳликларни учратамиз. У шахсан ўзи бўлган Дилкушо боғи, Конигилдаги тадбирларда кўзи тушган гулдор, қизил, тўққизил, чўғдай қизил, қирмизи гиламлар ҳақида ёзиб қолдирган. Сўз кетаётган давр ёзма манбаларида гиламлар ипак, жундан тўқилгани, улар иморатлар ичи сатҳига тўшалгани, деворларга илингани борасида кўплаб маълумотлар бор. Ёки 1412 йили Хиротга хитойлик элчилар келиши муносабати билан шаҳар ва бозорни безатиш мақсадида ҳар бир дўкондор ўз дўконини ясатгани, кўча-кўй, маҳаллалар ипак матолар, газмол ва гиламлар, киши диққатини тортадиган буюмлар, идишлар билан оройишлангани диққатни тортмай қолмайди. Сирасини айтганда, қадим тарихга эга ўзбек гиламчилиги асрлар оша такомиллашиб, ранг-баранг ва бой анъана яратилди. Афсуски, мустамлака даври айниқса, унинг совет режими босқичида анъанавий гиламдўзлик ҳам катта зарар кўрди, унинг тенгсиз, топилмас намуналари таланди, хорижга олиб кетилди, йўқ қилинди. Чет эллардаги оммавий ва хусусий тўпламларда ўзбек гиламлари борлигига бизда шубҳа йўқ. Очиқ маълумотлардан билганимиз шуки, Юнонистон пойтахти Афинадаги Бенакис музейида темурийлар даврига оид гиламнинг бир бўлаги сақланмоқда.

Дунёнинг айрим мамлакатларида ҳунармандликнинг ушбу ноёб тури — гиламдўзлик санъатига бағишланган алоҳида музейлар бор. Сўзимнинг исботи сифатида ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Машҳадга илмий сафар чоғида, у ерда уч қаватли бинода кўргазмага қўйилган гиламларни томоша қилгандик. Улар орасида Эронни темурийлардан кейин бошқарган сафавийлар даврига оид ажойиб намуналар ҳам бор. Сафавийлар кўп жиҳатдан ўзбек сулоласи ҳукмронлик қилган бир асрдан зиёд муддатда эришилган тараққиёт негизида фаолият кўрсатганидан келиб чиқилса, мазкур музей ўзбек гиламдўзлик санъати тарихини ўрганишда асқотиши турган гап. Қолаверса, ўзимизда ҳам гиламлар музейини очиш учун асос ҳам, имкон ҳам бор. Улкан йўқотишларга қарамай, юртдошларимиз қўлида қадимдан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган гиламлар, гилам пардалар, тўшамалар, жойномозлар, ёпғичлар сақланиб қолгани, шубҳасиз. Бу каби бетакрор намуналар йиғилиб, ўзбек гиламлари оммавий тўплами яратилса, ҳам миллий маданий меросимизни тиклаш, қадриятларимизни асраш ишига катта ҳисса қўшилади, ҳам юртимиз аҳолиси ва чет эллик сайёҳлар ташриф буюрадиган, маънавий-маърифий завқ оладиган, неча минг йиллик маданиятимиз ўтмишидан баҳраманд этадиган, анъанавий гиламдўзлик ҳунари билан шуғулланаётган ватандошларимизни илҳомлантирадиган зиё ва ғурур ўчоғига эга бўламиз.

"Шарқда уй гилам солинган жойдан бошланади" деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам тарихий шаҳарларимиздаги сарой ва кўшкларда тўшалган кўзни қамаштирувчи бежирим гиламлар келган меҳмонни ўзига жалб этган. Юксак дид билан ишланган, бетакрор миллий гиламларимизнинг кўп турлари бугунги кунгача етиб келган. Хива, Андижон, Ургут, Нуробод, Қўшробот, Қарши ва бошқа жойлардаги гиламдўзлик мактаблари намуналари бир жойда тўпланса ва улар асосида алоҳида музей ташкил қилинса, бу, юқорида қайд этилганидек, миллий маданий меросимизни асраб-авайлаш, мунтазам ва кенг тарғиб қилиш, қолаверса, туризм ривожига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

— Давлатимиз раҳбари туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётган бир пайтда юртимизнинг мавжуд барча сайёҳлик салоҳияти ва имкониятидан унумли фойдаланиш давр талабидир, — дейди **Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи Ўткир Саидов**. — Миллий гиламдўзлик намуналари бу борада яна бир муҳим омил ва имконият саналади. Чунки соҳада кўп асрлик анъана, бой мерос ва ўзига хос мактаблар шаклланган. Агар биз уларни бир жойга тўплаб, алоҳида музей ташкил этсак, диёримизга ташриф буюраётган сайёҳлар учун яна бир туристик манзил яратилган бўлар эди. Масалан, гиламдўзликнинг ҳар бир мактаби вакили учун шу ернинг ўзида гилам тўқиш учун шароит яратилса, миллий ҳунармандликнинг ушбу тури тарихи, мактаб ва йўналишлари, бугуни ҳақида фильмлар ишланиб намойиш этилса, халқ амалий санъатига доир ижодий ишлар тақдимоти ўтказилиб борилса, бу ҳам юртдошларимиз, ҳам сайёҳларда катта таассурот қолдиради, кўркам ва серфайз, маданий-маърифий марказлардан бирига айланади.

Бир сўз билан айтганда, кўп асрлик тарихга, алоҳида услуб ва бетакрор йўналишга эга ўзбек миллий гиламдўзлик санъатини янада ривожлантириш, ҳудудларда шаклланган анъанавий мактаблар фаолиятини кенгайтириш, гиламдўз ҳунарманд ва касаначиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бугун юртимизда алоҳида музей ташкил этиш вақти келди. Бу борадаги саъй-ҳаракатлар, ўз навбатида, миллий ҳунармандлик турининг ноёб услубларини сақлаб қолиш, келажагимиз эгаларига етказиш, юртимиз ва дунё сайёҳларига кенг тарғиб этиш ҳамда уларни мамлакатимизга жалб қилишга ҳисса бўлиб қўшилади. Қолаверса, миллийлигимизни ўзида акс эттириб турувчи халқ амалий санъати намуналари билан келажак авлодни таништириш, гиламларимизда акс этган миллий қадрият ва руҳият ўзлигимизни англаш ва намоён этишга хизмат қилади.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Сиёсий партия фаолиятида, айниқса, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда бошланғич ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Шу боис, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Агар ўтган йил якунида уларнинг сони 472 тани ташкил этган бўлса, сўнгги уч-тўрт ой ичида яна 21 та қуйи ташкилот фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса жойларда халқ билан мулоқот қўламини кенгайтириш, тарғибот ишларини янада кучайтиришга имкон яратмоқда. Яқинда вилоятда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янги босқичга кўтариш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди. Унда қуйи ташкилотлар олдида турган долзарб вазифаларни шакллантириш, иш олиб бориш усуллари ҳамда фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган масалаларга эътибор қаратилди.

ҚУЙИ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирда партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Сайдулло Абдураимов янги ғоя, ҳаётий ташаббус, амалий ҳаракат қуйи бўғинлар фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим шарти эканлигини таъкидлади:

— Барчамизга маълумки, бошланғич партия ташкилоти — партиянинг асоси. Бундай ташкилот камида партиянинг уч аъзоси бирлашган жойда тузилади. Бугун улар билан ишлаш тизимини янада кучайтиришимиз лозим. Ҳар бир масалага ёндашишда, аввало, қуйи бўғинларнинг таклифларини ўрганишдан бошлашимиз мақсадга мувофиқ.

Семинар давомида партия вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Жасур Сайдалиев партия сафига янги аъзоларни қабул қилиш, бошланғич ташкилотларнинг йўриқнома ҳужжатларини юритиш тартиби, партия дастурини тарғиб этишдаги вазифалари борасида машғулот олиб борди, слайдлар асосида янгича услуб ва тавсияларни тақдим этди. Маълумки, ЎзМТДП уставига асосан қуйи бўғинлар туман ва шаҳарларда бевосита партия аъзоларининг яшаш жойи ва иш жойига мувофиқ тузилади. Қуйи ташкилотлар аҳолининг турли қатламлари вакиллари билан бевосита иш олиб боради ҳамда уларнинг мурожаатларини ўрганиш имкониятига эга бўлади. Бошланғич ташкилот ҳар томонлама билимли, обрў-эътиборли ҳамда сиёсий етук ва ижтимоий фаол бўлган партия аъзоларининг ихтиёрий бирлашуви асосида туман (шаҳар) партия кенгаши йиғилиши қарори билан ташкил этилади. Бунинг учун сиёсий етакчи ёки партия фаоли ташкилот фаолиятига доир меъёрий ҳужжатларни яхши билиши лозим. Чунки, партия фаолларининг асосий дастаги бу — қонун ва унга тегишли ҳужжатлардир. Қолаверса, партиянинг сайловолди Платформаси ҳамда янги лойиҳалари жойлардаги ижроси самараси бошланғич ташкилотлар фаолияти билан бевосита боғлиқ. Шу боис ҳар бир лойиҳани, аввало, қуйи бўғинларга етказиш, уларнинг таклифларини олиш мақсадга мувофиқдир.

Семинар-тренинг иштирокчилари амалий машғулотлар мобайнида гуруҳларга бўлинган ҳолда партиянинг йирик лойиҳалари юзасидан ўз тақдимотларини ишлаб чиқди. Тақдимотда ҳар бир гуруҳ ўзига юклатилган мавзу юзасидан мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича таклифлари ҳамда эришиладиган натижа ҳақида маълумот бердилар.

Семинарда бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада фаоллаштириш, ижтимоий аҳамиятга молик муаммо ва масалаларни ўрганиш, вазиятни олдиндан прогнозлаш, самарали таҳлил қилишда партия фаоллари олдида турган вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Даврон ОРИПОВ,
ЎзМТДП Бойсун туман кенгаши раиси:

— Сиёсий партиялар тизимида бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим вазифасидир. Уларнинг самарали фаолияти, айниқса, партия хайрихоҳлари сонининг ортишида муҳим ўрин тутади. Бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва фаолларининг бу борадаги билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган мазкур семинар давомида улар ўзлари учун керакли маълумотларга эга бўлди. Янги ташкил этиладиган қуйи бўғин учун тайёрланадиган ҳужжатларни ҳамма ҳам яхши билмайди. Шу боис, бу борадаги маъруза ва амалий машғулотлар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. Айниқса, партия ташкилотлари ва депутатларнинг ҳамкорликда жойларда лойиҳалар асосида ишлаб чиққан дастурлари эътиборга молик.

Бойсун туманида ҳунармандчилик кенг ривожланган. Семинар-тренинг давомида бу соҳани ривожлантиришда дуч келинаётган муаммолар, таклифлар, партия ташкилотлари томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ишлар юзасидан билдирилган тавсиялар асосида навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Зуҳра НОРБОЕВА,
ЎзМТДП Шеробод туман кенгаши қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти етакчиси:

— Бугунги семинар-тренинг давомида жамоатчиликни ЎзМТДП фаолияти ва лойиҳалари билан янада чуқурроқ таништириш, партия дастурий мақсадларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, бунда бошланғич ташкилотлар фаоллигини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди. Амалий машғулотлар давомида зиммамизга юкланган вазифаларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва ҳужжатлар билан ишлаш борасида етарли маълумот ва кўникмаларга эга бўлдик. Айни жараёнда эришилган натижалар, ечимини кутаётган муаммолар ва тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар таҳлил этилди. Семинарда гуруҳларга бўлинган ҳолда барча туманлардан келган партиядошларимиз билан муштарак мақсадлар асосида янги лойиҳалар ишлаб чиқиш борасида тажриба алмашдик, натижалар таҳлил қилиниб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш вазифалари белгилаб олинди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги семинар фаолиятимизни таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни ўрганиш, бошланғич ташкилотлар фаоллигини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Бу иш фаолиятимиз самарадорлигини янада ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилашга кўмаклашади.

Наргиза ШАЙДУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби

Бугуннинг гапи

ТАРБИЯ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

ЁХУД ТУҒРУҚХОНАЛАРДАН БОШЛАНАЁТГАН ДАХМАЗАЛАР ҲАҚИДА

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдурауф Фитрат бундан бир аср илгари, аниқроғи, 1914 йилда "Оила ёки оила бошқариш тартиблари" номли асар ёзган. Унда оила жамиятнинг энг муҳим ҳалқаси экани, бу борада илғор мамлакатлар тажрибасидан ўрнак олиш лозимлиги, шунингдек, ўша пайтда мавжуд бўлган қўпдан-кўп иллатлар рўй-рост очиб ташланган. Бироқ оила билан боғлиқ муаммо ва камчиликлар, афсуски, ҳозир ҳам мавжуд. Шу боис бу асар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.



"Маълумки, одам биринчи тарбияни оласининг бағрида олади, — деб ёзади аллома. — Шу нарса муқаррарки, биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади". Ёки "эр-хотинликнинг энг буюк мақсади — фарзанд. ...Аёлнинг энг муҳим вазифаси — бу фарзанд тарбияси", дейилади. Демак, она — тарбиянинг асосий меҳвари. Лекин ҳаммага аён бир ҳақиқат ҳам бор: аввало, тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак.

Афсуски, жамиятда маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатаётган баъзи урф-одат, маросим ва тадбирларнинг урчиб бораётганига айнан оналар сабабчи бўлмоқда. Аёлларимиз тўй-ҳашам, оилавий тадбирларда дабдабабозлик, бойлигини, "ҳеч кимдан кам эмас"лигини бошқаларга кўз-кўз қилиш, буни кимларгадир кўрсатиб қўйиш, ирсофгарчиликнинг асл сабабчилари бўлиб келаётгани сир эмас.

Бундай иллатлар чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқишдан бошланмоқда. Очиғини айтганда, буларнинг барини кейинги даврларда ўзимиз ўйлаб топиб, анъанага айлантириб олдик. Чунки бундай одатлар аввал умуман бўлмаган.

Муқаддас динимизда шу пайтгача бўлмаган, ўйлаб топилган қоидаларни жорий этиш "бидъат" деб аталади. Чақалоқни туғруқхонадан дабдаба-ю асъаса билан олиб чиқиш бидъатдан бошқа нарса эмас.

Бидъатлиги аввало шундаки, чақалоқ туғилиши, унинг чилласи, бу даврдаги тарбияси билан боғлиқ асрлар давомида шаклланган анъаналаримиз мавжуд. Улар замирида халқимизнинг синовдан ўтган орзу-мақсадлари, тажриба ва хулосалари мужассам. Биз энг аввало ана шунга хилоф иш тутяпмиз.

Фарзанд — Яратганнинг бандасига берган пок ва нозик неъмати. Уни ҳатто майин эсган шамолдан ҳам, чанг-чунг, шовқин-сурон, одамларнинг назардан ҳам асраш керак. Ота-боболаримиз бекорга фарзанд туғилган хонадонда қирқ кун чилла тутишни одат қилмаган. Она боласи билан ана шу муддат тугаганидан кейин чиллагурзон қилиб, ота-онаси ёки яқинларникига бориши мумкин бўлган. Фарзанд ётган уйга унгача ҳар ким киритилмаган.

Ота-боболаримизнинг бундай қадим одатларини ҳозирги илм-фан ҳам яққол тасдиқлайди. Чунки бугунги тиббиёт йўргақдаги бола учун алоҳида санитария-гигиена тартиб-қоидаларига қатъий амал қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Биз эса бугун нима қиляпмиз? Энг аввало чақалоқни туғруқхонадан тантана билан олиб чиқяпмиз. Унга катта-кичикни етаклаб борамиз. Карнай-сурнайни вадаванг қилиб чалдирамиз. Бир неча автомобиль сигналига зўр бериб, бутун маҳаллани бошига кўтаради. Дарвозахона ёки кўп қаватли уйнинг йўлагини сунъий гуллар билан безатамиз. Фарзанд кўрганимизни ҳаммага кўз-кўз қиламиз. Буларнинг ҳаммасини видеотасвирга олдирамиз. Гўё буларнинг бари чақалоқ учундай. Ҳолбуки, ҳали гўдак ҳеч нарсанинг фарқига бормаса-да... Нима эмиш, катта бўлганида буларни видеодан ёзувини кўриб хурсанд бўлар эмиш...

Амалда бу ўзимизни ўзимиз кўз-кўз қилиш эмасми? Ахир, кўз-суқ деган нарсалар ҳам бор-ку, улар қаёқда қолди? Айрим кишиларнинг қарашида турли биоқувват борлигини илм ҳам тасдиқлайди-ку. Фариштасифат, покдан-пок чақалоқни ёт назардан асраш моҳиятини эса тушунган тушунади...

Сирасини айтганда, кейинги пайтда биров бир нарсани бошлаб берса бўлди, бошқаларимиз буни худди ота-боболаримиздан қолган муқаддас удумдай қабул қила бошладик. Яъни ана шу янги одатга ўйламай-нетмай амал қиламиз.

Аслида-чи? Аслида бизга аждодларимиздан чақалоқни тарбиялаш, уни йўргаклаш, бешикка белаш, сочини олиш, яхши юриб кетишини таъминлаш, мускулларини ривожлантириш, тилининг равон чиқишига кўмаклашиш билан боғлиқ қанчадан-қанча гўзал удумлар етиб келган. Энг ёмони, ўзимиз кейинги вақтларда яратиб олаётган одатлар айнан ана ўша асрий удумларимизнинг унутилишига олиб келмоқда.

Миллий мерос — кенг тушунча. Миллий урф-одатларимиз, маросимлар, анъана ва қадриятларимиз ҳам миллий меросга киради. Узоқ тарихий илдизга эга бу мерос замирида эса юксак маънавий қадриятлар ётибди. Халқнинг эътиқоди, миллий мафкураси ҳам шулар асосида шаклланади. Улар халқнинг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда пайдо бўлиб, ўз мазмунида шу юрт кишиларининг орзу-ҳаваси, турмуш тарзи, маънавий даражасини намоён этади. Халқимизнинг ҳар бир урф-одати, фазилатида теран миллийлик бор.

Шундай экан, китобларда урф-одатларимиз, тўйларимиз, оила, фарзанд тарбияси ҳақида қолдирилган фикрларга бефарқ, беписанд бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Хусусан, халқимизнинг бола тарбияси билан боғлиқ бой меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, бунинг учун уларга оқилона амал қилиб боришимиз, моҳиятан маънавиятсизлик белгиси бўлган янги-янги одатларни урфга киритишдан сақланишимиз зарур.

Хўш, бу ўйлаб топилган тадбирларни ўтказишдан кимга фойда-ю кимга зарар?

XIX аср иккинчи ярми — XX аср бошларида яшаган буюк татар маърифатпарвари Ризоуддин ибн Фахруддин "Оила" асарида: "Ҳар бир хотуннинг ақлини ўлчамоқчи бўлсангиз, унинг қўл остидаги болаларига боқинг!" — деган фикрни келтиради. Бола тарбияси эса унга сарфланган маблағ билангина белгиланмайди. Китобнинг "Тўй" деган фаслидаги яна бир жумлага эътибор қилайлик: "Ёлғиз авом мадҳини эшитиш учунгина ақлли кимса ўз молини нобуд этмас. Маишати кўтармагани ҳолида бошқаларга тақлид этиб, сармоясини совурмас".

Демак, бундан бир аср муқаддам ҳам мусулмон халқлари ўртасида тўй қилиб, шуҳрат топиш иллати бўлган. Ўша замонларда ҳам зиёлилар бунга қарши курашган. Ризоуддин ибн Фахруддин сармояни бекордан-бекорга сарфлаб, дабдабали тўй қилишларни фақатгина кўпчиликнинг орасида бойлигини кўрсатиш, сунъий равишда шуҳрат топишдан бошқа нарса эмаслигини очиқ ёзяпти.

Фарзандларимизни туғруқхонадан олиб чиқиш билан боғлиқ ҳолатлар маънавиятимиз, азалий қадриятларимиз, миллий тийнатимизга ёт одатларга асосланаётгани бугуннинг долзарб муаммосига айланиб боряпти.

Бундай маросимлар мамлакатимиз оилалари иқтисодига, маънавий оламига салбий таъсир ўтказаётгани ҳеч кимга сир эмас. Айни шундай муаммоларни бартараф этиш учун "Оилада фарзанд туғилиши муносабати билан ўтказиладиган маросимлардаги дабдабабозликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси" ишлаб чиқилди. У Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Норбоева томонидан шу йилнинг 5 мартида тасдиқланди. У режа Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус вазирликлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида тайёрланган.

Ундаги тўрт бўлимнинг номланишидан ҳам мазкур режадаги чора-тадбирлар моҳияти ва аҳамиятини тушуниб олиш мумкин: "Фарзанд туғилиши билан боғлиқ миллий маросимлар ҳақида тарғибот-ташвиқот ишларини ташкиллаштириш"; "Фарзанд туғилиши билан боғлиқ маросимларни ўтказишда аҳоли томонидан йўл қўйилаётган дабдабабозликларнинг олдини олиш", "Тиббиёт ходимлари томонидан она ва бола саломатлиги юзасидан тушунтириш ишларини кучайтириш", "Фарзанд туғилиши билан боғлиқ миллий маросимлар юзасидан диний ва маънавий тарбияни шакллантириш".

Хонадонда фарзанд туғилиши, шубҳасиз, чинакам бахт ва байрам. У хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, шукрона қилишимиз керак. Ота-она, аввало, унга яхши, чиройли, фарзанд улғайганида норози бўлмайдиган бир исм топиб қўйиши керак. Мусулмончилик анъанасига кўра, кейин қулоғига исмини айтиб, азон ўқитилиши лозим. Қолаверса, бешикка белашнинг ҳам қанчадан-қанча анъана ва удумлари бор. Масалан, Бухорода болани бешикка белаётганда у бир неча карра бошини бир оёқ тарафга, бир бош тарафга қилиб ётқизилади-да, атрофдагилардан: "Чаппами, роста?" ("Хато ётқизилдими ёки тўғрими?" маъносида), — сўралади. Охири тўғри ётқизилган ҳолатида қолдирилиб, беланади. Бунинг замирида катта маъно бор: "Ҳаётда хато ва тўғри йўл бор, бола улғайиб, фақат тўғри йўлдан юрсин!" — дегани бу.

Бешик бизнинг биринчи уйимиз. Шу боис Ватан рамзи сифатида қўлланилади. Бола киндигини бешикка бойлаш замирида ҳам Ватанга садоқат ғояси мужассам. Чақалоқнинг кесилган киндиги бола улғайиб, бешикни тарк этгунига қадар унинг чўпига боғлаб қўйилади. Кейин эса у бир мевали дарахтнинг тагига кўмилади. Нима учун? Бунда ҳам эзгу орзу-мақсад мужассам: бола улғайиб, вояга етиб, ана шу мевали дарахт сингари фарзандлар кўрсин!

Мана буни гўзал ибрат, намуна, урф-одат деса бўлади. У кишида Ватанга, эл-улусга муҳаббат туйғусини уйғотади, ватанпарварликни шакллантиради.

Чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш учун буюртма берилган автомобилнинг энг паст нархи — 150 доллар. Бу тадбирда турли кийимларни кийиб, иштирок этадиганларнинг (Масалан, эртак ёки мултфильмлар қаҳрамонлари — Маша, Медведь ва бошқаларнинг) ҳар бирига камида 50 доллардан бериш керак. Карнайчи, сурнайчи, ноғорачилар ҳам бепул хизмат қилмайди, албатта. Суратқаш, видеотасвирчиларнинг ҳам ўзига яраша "нарх-наво"си бор. Автомобилни, ҳовли ёки кўп қаватли уй йўлагини сунъий гуллар билан безатиш ҳам — харажат.

Фарзандлик бўлган она ҳам туғруқхонадан "текинга" чиқмайди. Нечанчи фарзанд кўрганидан қатъи назар, унга янги сарпо-суруқ қилиш зарур. Туғруқхонага гўзаллик салони ходимининг ташрифини уюштириш лозим. Бундай дабдаба-ю асъаса бўлайётган маҳалда туғруқхона ходимлари ҳам "қуруқ" қолдирилмаслиги керак, албатта. Буларнинг бари оила бюджетидан сарфланади.

Яратганга шукр, мамлакатимиз тинч. Ҳаракат қилган одам ёмон яшамаяпти. Биз тилга олган харажатлар айрим оилаларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатмаслиги табиий. Аммо масаланинг иккинчи, маънавий томони бор-да. Бизда тақлидга мойиллик кучли. Кучи етган ҳам, етмаган ҳам кимдир нимадир қилса, "менинг ҳам кам жойим борми", қабилида йўл тутади. Бойлигини кўз-кўз қилаётганлар ўзи билган-билмаган ҳолда жамиятда салбий урф-одатни жорий этишга ҳисса қўшяпти. Бунинг ҳам савол-жавоби борлигини ўйлаб кўраётгани йўқ.

Энг ёмони, бундай дабдаба-ю асъасага, аввало, аёлларнинг ўзи сабабчи бўляпти. Кузатишларимиз бу борада ҳамма ташаббус хотин-қизлардан чиқаётганини кўрсатаётир. Шундай аёлларимиз ҳам топиладики, улар кўргани-ю эшитганини оила бошлиқларига айтиб, бажартириши керак. Қолгани билан уларнинг иши йўқ — "менга деса тош ёғмайдими?!"

Энди биз юқорида тасвирлаган тадбирни ўтказишга қурби етмаган оила бошлиғининг аҳволини кўз олдингизга келтиринг. У нима қилади? Кимлардир ўйлаб топган "қонун-қоида"лардан воз кечиб қўя қолади, деб ўйлайсизми? Йўқ-да. Бировдан қарз олиб бўлса ҳам, шундай қилади.

Хўш, энди ана шу қўли калтароқ оилада чақалоқни замонавий талаблар асосида парваришлаш, эмизикли боласи бор онани сифатли маҳсулотлар билан боқиш учун сарфланиши лозим бўлган маблағ қарз узишга кетадими? Ахир, бу билан биз норасида гўдагимизнинг ризқини қиймаяпмизми?! Янада аниқроқ айтганда, бу келажак дарахтнинг илдизига болта уриш билан баробар эмасми?!

Буни оналарнинг ўзи ўйлаши керак, аслида. Она оқила аёл бўлса, оила иқтисодини ҳисобга олиб, халқона айтганда, кўрпага қараб оёқ узатиши, боласининг келажагини ўйлаб иш кўриши лозим-ку?!

Аслида, илк фарзанд кўрган ота-онанинг қариндош-уруғлари ўзаро тўпланиб, оилада янги бир инсон туғилгани, ёшлар ота-оналик бахтига муяссар бўлганига шукрона қилиш ниятида дастурхон ёйишган. Унда онага фарзандини мукаммал тарбиялаб, вояга етказиши, отага эса унинг ўсиб улғайиши учун барча иқтисодий ва маънавий имконият, шарт-шароит яратиб бериш вазифаси юкланиши тадбирнинг мақсади қилиб олинади...

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоиз, муқаддас динимиз ва дунёвий илм-фанда бола тарбияси ва таълими билан боғлиқ жуда катта тажриба тўпланган. Айниқса, ёш ота-оналар бундан бохабар бўлиши зарур. Чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқиш билан боғлиқ беҳуда харажатлар ўрнига ҳар бир оила эру хотин муносабатлари, бола тарбияси билан боғлиқ илмий ва илмий-оммабоп нашрларни сотиб олса, ўқиса ва унга амал қилса, нур устига нур бўлар эди. Зеро, фарзанд тарбиясида, аввало, ота-онанинг шахсий намуна бўлиши жуда муҳимдир.

Зиёда ҒАФФОРОВА,
Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими

Туризм — истиқболли соҳа

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Саёҳатнинг моҳияти — шу. Инсоният цивилизациясининг энг қадимий бешикларидан бири бўлган Ўзбекистон ҳақида ҳам бутун дунё эшитган. Қадимий шаҳарларимиз, юртимизнинг гўзал табиатини бир марта кўришни орзу қиладиганлар жуда кўп.

ҚАДИМ ШАҲАР ЖОЗИБАСИ

ҲАР ҚАНДАЙ САЙЁҲНИ ҲАЙРАТГА СОЛАДИ



Ўзининг қадимий ва бой маданияти, гўзал ва бетакрор обидалари, ноёб осори-атиқалари билан дунё сайёҳларини ҳамиша ўзига ром этиб келаётган кўҳна ва навқирон Хива шаҳри ана шундай туризм марказларидан саналади.

Мамлакатимизда барча соҳалар сингари сайёҳликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27-28 январь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида вилоятнинг, жумладан, Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини янада ривожлантириш бўйича берган таклиф ва кўрсатмаларига асосан айни пайтда катта қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг "2017-2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шаҳрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

— Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва туризм соҳасини ривожлантиришга қаратилган изчил ислоҳотлар самарасида ҳудуддаги барча тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар обод бўлди, — дейди Хива шаҳар ҳокими Эркин Ёқубов. — Кўплаб янги туристик йўналишлар очилди.

Маълумки, ўтмишда ота-боболаримиз қалъа ёки шаҳар бунёд қилмоқчи бўлса, асосий кириш дарвозасини ўзига яқинроқ жойлашган шаҳар томонга қаратган. Полвон дарвоза шаҳарнинг шарқий томонида жойлашган, уч минг йиллик тарихга эга қадимий дарвоза ҳисобланади. "Сайёҳларни кутиб олиш ва шаҳар тарихи билан таништиришни шу ердан бошласак", деган таклифимизни вилоятимизга ташрифи чоғида давлатимиз раҳбари қўллаб-қувватлади. Кўриб турганингиздек, ҳозир бу ерда кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилмоқда. "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан 35,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳа ишлаб чиқилиб, Урганч-Хива йўналишида 33 километрлик темир йўл излари ётқизилди. Вокзалда ҳам сўнгги пардозлаш ишлари якунланмоқда. Вокзалдан Ичан қалъага кириб бориладиган Полвон дарвозагача 1 минг 340 метр. Ана шу оралиқда сайёҳларга сервис хизмати кўрсатувчи объектлар, ҳунармандлар устахоналари ва кўргазма ярамаркаси, савдо расталари, ресторан ва кафелар жойлашади.

Дарҳақиқат, ушбу ҳудудда йигирмадан ортиқ қурилиш объекти мавжуд бўлиб, уларда мингга яқин қурувчилар, муҳандис-техниклар ўз зиммаларидаги вазифани сидқидилдан адо этаётир, янгича кўриниш касб этиб, янада кўркамлашаётган Хиванинг тарихий обида ва маданий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссасини қўшиш йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Вокзал олдида улкан фаввора ва хиёбон, "Локомотив" боғи, супермаркет, ресторан, 36, 45, 70 ва 84 ўринли — жами олтита замонавий меҳмонхона барпо этилмоқда. Бунёдкорлик ишларида "Хива локомотив" МЧЖ, "Саёҳатқурилишсервис" ихтисослаштирилган қурилиш корхонаси, "Бухоромахсустранс" МЧЖ, "Юггазстройинвест" МЧЖ каби қурилиш ташкилотлари фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, Ичан қалъа музей қўриқхонаси ҳамда Дишан қалъадаги маданий мерос объектларини таъмирлаш, реставрация ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Бу ишлар доирасида Хивадаги Шерғозихон мадрасасида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир. Хива хони Шерғозий Муҳаммад Баҳодирхон томонидан 1720 йилда қурдирилган ушбу мадраса ўз даврида "Маскани фозилон", яъни "олимлар уйи" деб ном олган. Бу ерда замонасининг етук алломалари Мовароуннаҳр ва бошқа мамлакатлардан келган талабаларга таълим берган. Улар учун 60 дан ортиқ ҳужралар қурилган. Туркман халқининг буюк шоири Махтумқули Фироғий, қорақалпоқ шоири Ҳожи Ниёз Қўсибой ўғли, қозоқ сўфиси, мураббий Бекет ота ҳам шу мадрасада дунёвий ва диний таълим олган.

— Шерғозихон мадрасаси тарихий мажмуаси охирги марта 1985 йилда таъмирланган, — дейди тарих фанлари номзоди Комилжон Худойберганов. — Юртимизда бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, туризмни ривожлантириш, маданий мерос объектларини асраб-авайлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани туфайли ушбу мажмуа ҳар қачонгидан ҳам чиройли кўринишга эга бўлмоқда. Бу ерда мамлакатимизда ягона бўлган "Мадраса тарихи" музейи ташкил этилаётир. Музей ҳужралари ўша давр нафасини берувчи жиҳозлар, экспонатлар ҳамда турли миллат вакилларига хос интерьерлар билан бойитилади. Бу ҳар қандай сайёҳнинг ҳайратини ошириши, шубҳасиз.

Очиқ осмон остидаги музей-шаҳар — Ичан қалъанинг ғарбий эшиги ҳисобланган Ота дарвоза олдидаги катта майдон ва йўлаклар ҳам қайтадан таъмирланмоқда. Беш минг квадрат метрлик майдон сатҳига қолипланган тош қопламалар ётқизилмоқда. 26 гектар жойни эгаллаган Ичан қалъани ўраб турган пахса-деворлар ҳам таъмирдан чиқарилмоқда. Бу каби ишлар моддий ва маънавий меросимиз намуналарини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда уларни келажак авлодга бус-бутун етказишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

XX аср бошларида Акбар Исломхўжа томонидан бунёд қилинган Нуруллабой саройи айни пайтда Президентимиз ташаббуси билан янгидан ҳаёт бошлади, десак муболаға қилмаган бўламиз. Дастурга асосан ушбу мажмуада икки юзга яқин реставратор, ҳунарманд ва рассомлар ҳамда турли мутахассислар жалб этилган ҳолда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ерда қабуллар уйи, амфитеатр, галерея, ҳунармандлар кўргазмаси фаолият кўрсата бошлади. Олтмишга яқин уста-ҳунарманд иш билан банд. Республика "Ҳунарманд" уюшмаси Хоразм вилоят, Хива шаҳар ва туман бўлимлари ҳам шу ерда жойлашган.

Ичан қалъадаги тарихий обидаларни таъмирлаш ишлари билан танишиш жараёнида кўплаб хорижий сайёҳлар ва юртдошларимиз бу ёдгорликларни зиёрат қилаётгани, мароқли дам ва маънавий озуқа олаётганига гувоҳ бўлдик.

— Ўзбекистонга бешинчи марта келишим, — дейди франциялик сайёҳ Анни Делануа. — Юртингизнинг тарихий обидалари, осори-атиқалари, ўзбек ҳунарманд-усталарнинг бетакрор ишлари менга жуда ёқиб қолган. Ҳар сафар келганимда эсдалик учун ҳунармандчилик буюмларидан олиб кетаман.

"Бешинчи марта келишингиз бўлса, боз устига гиднинг ҳар бир сўзини берилиб ва эътибор билан эшитаяпсиз, сизни кўрган одам беихтиёр юртимизга энди қадам ранжида қилибди-да, деб ўйлаши муқаррар", деб ўсмоқчилаб берган саволимизга у шундай жавоб қилди:

— Аждодларингиз тарихи, улар қолдирган мерос жуда бой. Уни қанчалик кўп эшитиб, томоша қилманг, такрор-такрор мафтун этаверади. Бошқаларни билмадиму, аммо менга шундай туюлади. Шунинг учун ҳам юртдошларимни кўпроқ Ўзбекистонга саёҳатга чорлайман. Қолаверса, осуда мамлакатингизда хорижий сайёҳлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Ҳа, юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос анъаналари, тарихий обидалари, табиий иқлим шароити билан диққатга сазовор. Аҳоли даромадлари ошиб бораётгани ва сайёҳлик инфратузилмаси такомиллашаётгани самарасида мамлакатимизда ички туризм тобора ривожланмоқда. Юртимиз бўйлаб саёҳат қилиш, табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш анъанага айланмоқда. Зеро, мамлакатнинг сайёҳлик имкониятларини рўёбга чиқаришда ички туризмни ривожлантириш муҳим ўрин тутади.

— 1991 йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтини битирган бўлсак, курсдошларимиз билан анъанавий учрашувимизни ҳар гал Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ўтказамиз, — дейди ўшлик Дилором Абдуллаева. — Ҳам дийдор кўришамиз, ҳам саёҳат қилиб дам оламиз. Ўтган йили худди шундай учрашув Қашқадарёда бўлган бўлса, бу сафар Хоразмда йиғилдик. Хивада маданий мерос объектлари қайта тикланаётгани, олиб борилаётган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларини кўриб, бу маскан келгусида яна ҳам обод ва кўркам бўлишига ишонч ҳосил қилдик...

Азамат САФАР,
"Milliy tiklanish" мухбири

Матбуот анжумани

ТАРҒИБОТ — САМАРАЛИ ИЖРО ОМИЛИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ АҲОЛИ ОРАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАДИ

Жамият ривожланиши учун нафақат қонун ҳужжатларини қабул қилиш, балки уларнинг кенг жамоатчилик орасида тарғиботини таъминлаш, ижросини назорат қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда, айниқса, оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Шу боис Адлия вазирлиги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш, янги ёндашувларни жорий этиш мақсадида ҳар ҳафта "Адлия ахборот" номли брифинг ва матбуот анжумани ташкил этиб келмоқда.

Навбатдаги брифингда 11 қонун ҳужжати — Президентимизнинг 7 фармони ва қарори, ҳукуматнинг 4 қарори ҳақида атрофлича маълумот берилди. Мазкур фармон ва қарорларда белгиланган ҳуқуқий нормалар билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган янгиликларга эътибор қаратилди.

Брифингдан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида қонун ҳужжатларидаги қатор асосий тушунчалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Масалан, Президентимизнинг 2018 йил 4 майдаги "Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда "Paynet" ёпилаяптими?" мазмунидаги муҳокамаларга сабаб бўлган эди. Халқ банки мутахассиси ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб изоҳ берди: тўғри, "Uzpaynet" МЧЖ тугатилди, лекин унинг ўрнида янги "Paynet" бренди остида мазкур фаолият давом эттирилмоқда.

Анжуманда Адлия вазирлигида тайёрланаётган "Ўзбекистонда сўз эркинлиги кафолатларини кенгайтириш ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент фармони лойиҳаси юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди. Журналистлар мазкур ҳужжат лойиҳасида чоп этилаётган муаллифлик материалларига жавобгарлик масаласини аниқлаштириш, журналист сўровига мувофиқ ахборотларни давлат органларидан ўз вақтида монеликсиз олиш, ижтимоий тармоқларда бериладиган ахборотларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, улар устидан назорат лозимлиги ҳақида таклиф-мулоҳазалар билдирди.

Бу каби брифинг ҳамда матбуот анжумани ҳар ҳафта жума куни "Тараққиёт стратегияси" марказида бўлиб ўтиши маълум қилинди.

Мухторбек АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Президент ташрифидан сўнг...

ИСҲОҚХОН ИБРАТНИНГ БОЙ МЕРОСИ

АВЛОДЛАР КАМОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ватанимиз дунё тамаддуни ва илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар, азиз авлиёлар ва олимларга бешик бўлган. Хусусан, Наманган диёридаги машҳур Ахсикент, Мунчоқтепа, Айритом, Мугтепа каби меъморий ёдгорликлар ўтмишда ушбу ҳудудда ўзига хос тамаддун ва бой маданият ривожланганидан далолат беради. Бу кўҳна юртда туғилиб ижод этган Маҳдуми Аъзам Косоний, Бобораҳим Машраб, Фазлий Намангоний, Нодим Намангоний, Исҳоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф Сўфизода сингари шоир ва мутаффаккирлар номлари халқимиз тарихининг узвий бир қисмидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 2-3 май кунлари Наманган вилоятига ташрифи чоғида Тўрақўрғон туманидаги Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишаркан, Ибрат домланинг Ватан ва юрт тараққиёти йўлидаги фидокорона ҳаёти нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам барчамиз учун ҳақиқий ибрат намунаси бўлиб қолаётганини, ёшларимиз шунга муносиб, юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишлари кераклигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари 2016 йилнинг 2 ноябрь куни Учқўрғон туманида вилоят аҳли билан бўлган учрашувда буюк маърифатпарвар Исҳоқхон Ибратнинг номини абадийлаштириш, у кишига атаб замонавий боғ яратиш, ёдгорлик мажмуаси ва "Ибрат мактаби"ни ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди. Шундан сўнг Тўрақўрғон тумани марказида қисқа вақт ичида 2 гектардан зиёд майдонда боғ-хиёбон яратилиб, бу ерда Исҳоқхон Ибрат номидаги муаззам мажмуа барпо этилди. Шунингдек, майдон ўртасида аллома ҳайкали, миллий меъморчилик услубидаги айвон, босмахона, чет тилларга ихтисослаштирилган 300 ўринли мактаб-интернат ва тарихий меъморчилик обидасида музей барпо қилинди. Ушбу баҳаво

масканда ҳозир турли манзарали дарахтлар ўстирилмоқда. Боғ ичида мусиқали фаввора қурилгани сўлим гўшанинг файзига янада файз қўшмоқда.

— Бобомиз илм ўрганишни ривожланишнинг асоси деб ҳисоблаган, — дейди Ибрат домланинг авлоди, республика Маънавият ва маърифат маркази Тўрақўрғон тумани бўлими мутахассиси Шаҳло Исоқова. — Ул зот мактаб ташкил этиб, болаларга илму маърифат улашган. Ибратнинг фарзанди бўлмиш Ротибхон бувамнинг айтишича, 1937 йилда бобомизни уч қоп қўлёзма китоблари билан қамоқхонага олиб кетишган. У киши ўз даврида кўплаб чет давлатларда бўлиб, хиёбонда одамларнинг дам олаётганини кўриб, юртида ҳам мана шундай хиёбон барпо этишни ният қилган экан. Мана йиллар ўтиб, орзуси амалга ошди. Бунинг учун Президентимизга Ибрат бобомиз авлодлари номидан катта раҳмат айтаман.

Исҳоқхон Тўра Ибрат 1862 йилда Тўрақўрғон заминида таваллуд топган. У ўз мактабида ўқитишнинг янги тизимларини таълимга олиб киради ва болаларга сабоқ бера бошлайди. Аллома юнон, инглиз, турк, араб, форс, ҳинд, урду ва рус тилларини мукаммал ўзлаштириб, энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганади. Серқирра ижодкор сифатида "Луғати ситта ал-сина" ("Олти тилли луғат"), "Жомеъ ул-хутут" ("Хатлар мажмуи"), "Тарихи Фарғона", "Тарихи маданият", "Мезон уз-замон" ("Замон тарозуси"), "Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий" каби тилшуносликка оид ва илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар яратган. Унинг "Илми Ибрат", "Саҳар вақти чаман ичра", "Шикоят", "Қарз", "Газета хусусида", "Туркистон аҳлиға хитоб", "Табрик Намангондин", "Қалам", "Мухаммаси Ибрат" каби кўплаб асарлари адабиётимиз олтин хазинасидан муносиб жой олган.

Ибрат домла ўлкамиздаги илк матбаачилардан бири сифатида 1908 йил Оренбург шаҳридан литографик машина сотиб олиб, уни Оренбургдан Қўқонгача поездда, Қўқондан эса Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида "Исҳоқия босмахонаси"ни ташкил этган. Бу босмахона 1960 йилгача фаолият кўрсатган ва бир қатор илмий-маърифий китоб ва рисола, газеталар чоп этилган, уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари ташкил қилинган.

...Хиёбонга кирар экансиз, миллий услубда барпо этилган айвонга битилган маърифатпарвар аллома ҳикматига кўзингиз тушади:

Ўқингиз, илму ҳикмат сизга, бу иш катта ибратдур
Агар илм ўрганурсиз, барча ишда сизга нусратдур.

Бу пурмаъно сўзлар боққа туташ ҳудудда фаолият бошлаган Исҳоқхон Ибрат номидаги хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиларининг шиорига айланган. Мазкур таълим даргоҳи Наманган давлат университети қошида ташкил этилди. Даставвал 7-10 синфларга мўлжалланган 4 та синф очилиб, унга Давлат тест маркази томонидан ўтказилган имтиҳон асосида сараланган 80 нафар билимга чанқоқ, иқтидорли ёшлар қабул қилинди.

— Мактаб-инернатда хорижий тиллар бўйича илмий ишлар қилиш, тил ўргатиш методологиясини такомиллаштиришга катта эътибор қаратяпмиз, — дейди Исҳоқхон Ибрат номидаги ихтисослашган мактаб-интернат директори, филология фанлари номзоди, доцент Зоҳиджон Содиқов. — Ўқувчилар умумтаълим фанларини ўзлаштириш баробарида олти хорижий тил — инглиз, немис, француз, араб, хитой ва корейс тилларини ҳам чуқурлаштирилган ҳолда ўрганмоқда. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор-ўқитувчиларининг масофавий таълим асосида тренинглар олиб бориши учун зарур шарт-шароит яратилган. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган синф хоналари, 2 минг 300 китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази, 100 ўринли турар-жой ва 100 ўринли ошхона ёшлар хизматида.

Ўқувчилардаги ижодкорлик қобилиятини ошириш мақсадида клублар фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, хаттотлик санъати клуби машғулотларига Наманган давлат университети профессори, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Асқарали Акбаров жалб этилган. Мазкур олий таълим муассасасининг ижтимоий-маданий фаолият факультети ўқитувчилари эса нотиқлик санъати ва саҳна маҳорати клуби машғулотларини ўтказади. Ёш шоира ва қаламкашлар иштирокидаги "Лирик лаҳзалар" клубида доцент, филолог олим Қодиржон Носиров олиб бораётган машғулотлар ҳам ўқувчиларга манзур бўлмоқда.

Бугун вилоятда фаолият юритаётган АҚШ фуқароси Элис Бритен хоним ҳафтада икки маротаба мактаб-интернатга келиб, ўқувчилар билан юзма-юз амалий машғулотлар олиб боради. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси, германиялик Симон Крешнер масофавий таълим асосида ўқувчиларнинг немис тилидаги мулоқот ва нутқ қобилиятини оширишга қаратилган машғулотлар ўтказиб келяпти. Кореянинг "КОИКА" таълим марказидан ҳам мутахассис келиши кутилмоқда. Яқин орада Германиянинг Гёте институти ва қатор немис мактаблари билан алоқалар мустаҳкамланади.

— Президентимизнинг мактаб-интернатимизга ташриф буюриб, биз ёшлар билан дилдан мулоқот қилгани унутилмас воқеа бўлди, — дейди мактаб-интернатнинг 9-синф ўқувчиси Моҳинабону Раҳимжонова. — Юртбошимиз учрашувда маърифатпарвар аллома Исҳоқхон Ибрат номи билан аталувчи мактабимиз ҳар томонлама намунали бўлиши, бир нечта хорижий тилни биладиган замонавий кадрларни тарбиялаш лозимлигини алоҳида уқтирди. Айниқса, мактаб-интернатни аъло баҳоларга тамомлаган ўқувчиларни олий ўқув юртларига имтиҳонсиз, грант асосида қабул қилиниши биз учун қувончли янгилик бўлди.

Мемориал мажмуа ҳудудига кирувчи Ғойибназар қози мадрасаси 1891 йилда меъморчилик санъати намуналари асосида барпо этилган, бугунги кунда у маданий мерос объекти сифатида давлат муҳофазасига олинган. Мажмуанинг маънавий-маърифий қисми саналган бу обида ўтган қисқа муддат ичида қайта таъмирдан чиқарилди. Ушбу тарихий иншоотда Исҳоқхон Ибрат музейи ўз фаолиятини бошлади. Музейдан буюк аждодимизнинг қўлёзмалари, рисолалари, фойдаланган шахсий буюмлари, суратлари, либослари, ўқув қуроллари ва уй-рўзғор жиҳозлари каби юздан зиёд қимматли ва нодир манбалар ўрин олган. Шу жумладан, осори-атиқалар орасида буюк маърифатпарвар олимнинг турли давлатларда бўлган пайтларида юртимизга олиб келган матбаа, фото ускуналари, грамафон мусиқий асбоби ҳам меҳмонлар эътиборини тортмоқда. Эзгу ва хайрли ишлари, хусусан, араб алифбосида ёзилган қонуншунослик китоби эса у кишининг қозилик фаолиятидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда, бу мунаввар масканда Ибрат домланинг қандай ноёб фазилат ва истеъдод эгаси экани ҳақида яққол тасаввурга эга бўласиз.

Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуаси Наманган вилояти аҳолиси, айниқса, ёш ўғил-қизлар учун муносиб совға бўлди. Мажмуадаги боғ-хиёбонда одамлар нафақат мазмунли ҳордиқ чиқармоқда, балки маънавий оламини ҳам бойитиб бораётир. Алломанинг халқимиз учун қилган буюк хизматини қадрлаш, бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ўқиб-ўрганиш ва тарғиб этиш йўлида бажарилган бу каби ишлар аждодларга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиром, иззат, қолаверса, эзгу амалларнинг бардавомлигидан далолатдир.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги

"ОҚ КЕМА"НИНГ ОҚ ЙЎЛИ

XX аср қирғиз ва жаҳон адабиётининг забардаст вакили Чингиз Айтматов сиймоси ўзбек миллати учун ҳам бениҳоя қадрли. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Маданият вазирлиги ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрида адибнинг "Оқ кема" асари саҳналаштирилди.

"Қиёмат", "Асрга татигулик кун", "Жамила", "Биринчи муаллим", "Оқ кема", "Сомон йўли" каби ўнлаб етук асарлари билан ўзбек халқининг қалб қўридан мустаҳкам ўрин олган барҳаёт сиймонинг "Сарвқомат дилбарим", "Асрга татигулик кун", "Момо ер" каби асарлари ўтган даврларда Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган. Республикамизда адиб таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш борасида амалга оширилган эзгу тадбирлар сирасида "Оқ кема" асарининг саҳналаштирилиши театр ихлосмандларини беҳад хушнуд этди.

— Жаҳон адабиётининг улуғ намояндаси Чингиз Айтматов аллақачон ўзбек халқининг қалбидан муқим жой олиб улгурган, — дейди Ўзбек Миллий академик драма театри директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фатҳулла Маъсудов. — Адиб яратган пурмаъно, бадиий етук асарлар бутун дунё китобхонлари эътирофини қозонган. Театримизда улкан адиб қаламига мансуб "Оқ кема" асарининг саҳналаштирилганини муҳим воқеа сифатида баҳолаш мумкин. Маданият вазирлиги кўмаги билан саҳналаштирилган мазкур спектакль бир пайтнинг ўзида уч қардош халқ ижоди маҳсули сифатида саҳна юзини кўрди. Асарни Қозоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абубакир Раҳимов саҳналаштирди. Театримизнинг иқтидорли актёрлари томонидан ижро этилган роллар маромига етказиб ижро қилнгани билан томошабинлар меҳрини қозонди.

Дунёни икки қутб — қариб-қартайган Мўмин чол ва унинг набираси кўзи билан кўриш, афсона ва реал ҳаёт, оила, авлодлар томонидан унутилиб борилаётган нозик қадриятлар, пок орзу-умидлар билан бир қаторда ўкинчли армонлар, эзгулик ва ёвузлик каби туйғу-тушунчалар ўртасидаги бебақо кураш кишини тахайюлга ундайди. Ўқувчи, қолаверса, томошабинни бевосита асар қаҳрамонлари билан кўринмас ришта ила боғлайди.

— Чингиз Айтматов асарлари ичидан "Оқ кема"нинг танланиши ҳам бежиз эмас, — дейди режиссёр Абубакир Раҳимов. — Бу асарнинг мазмун-моҳияти бениҳоя кенг, қаҳрамонларнинг ҳаёти кишини бефарқ қолдирмайди, кўринишидан оддий тизмага эга бўлган асар, нафақат ўша замон, балки бугунги глобал давр учун ҳам ғоят муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Бош қаҳрамон — дунёда яккаш ташлаб кетилган бола тимсолида томошабин ҳаётни унинг нигоҳи билан илғайди. Ўз навбатида реал ҳаёт ва бола руҳияти ўртасидаги ботиний кураш кишини фикрлаш оламига етаклайди. Бола — ёлғиз. Унинг дўстлари "туя", "танк", "бўри" каби тилсиз тошлар. У шу тошлар билан овунади. Соф ва самимий руҳияти билан бобоси айтиб берган шохдор она буғу тўғрисидаги афсонага жон-қулоқ инонади. Афсона билан бирга яшайди...

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, театр репертуарида ҳали бу каби асарнинг муқобили йўқ. Спектакль бир пайтда ҳам ёш, ҳам катта авлод вакилларининг ўзаро ҳамкорлигида яратилди. Шунданки, ушбу жараён барча театр арбоблари эътирофига сазовор бўлди.

— Болалигимда улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг "Оқ кема" асари асосида яратилган фильмни кўрганман, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Беҳзод Муҳаммадкаримов. — Мен яратган Ўрозқул образи ўша фильмда ўзгача характерли актёр томонидан ижро этилган эди. Балки шу сабабми "Оқ кема" спектаклидаги ёвуз, тубан Ўрозқул характерини яратишим бироз қийин кечди. Чунки рол ижро этиш жараёнида кўз олдимда ўша фильм гавдаланаверди. Аммо актёрнинг маҳорати айни шундай пайтларда билиниши вазиятни бошқаришимга сабаб бўлди. Қаҳрамоним ваҳший ва пасткаш, лекин ўз ички дардига эга бўлган персонаж. Унинг фарзанди бўлмайди ва шунинг учун жамиятдан интиқом олишга уринади. Оқибатда эса улуғворлик ва тубанлик чегарасини бузиб, бадкирдор кимсага айланади.

Албатта, анчайин маҳоратли ва тажрибали актёрлар билан бир қаторда елкама-елка туриб рол ижро этган ёш актёрларимизнинг шижоати, тиришқоқлиги ҳам таҳсинга лойиқ. Улар ҳақиқатда томошабин ва театр жамоасини ҳайратда қолдирди.

Бир сўз билан айтганда "Оқ кема" асари ёш авлод вакилларининг онг-шуурида қадим қадриятларга ҳурмат, соф ва самимий орзу-мақсадларнинг рўёби, шукроналик каби туйғу-тушунчаларни шакллантирибгина қолмай, яхшилик, эзгулик сингари хислатларни-да тарбиялайди. Инсонни ҳам руҳан, ҳам маънан поклайди. Асар бош қаҳрамони бўлган боланинг бир умр балиққа айланиб қолишдек орзусида ҳам ғаройиб рамзий ифода бордек гўё. Тилсиз-забонсиз, беозор жонзот ҳисобланмиш балиқ ва оқ кема тимсолида комиллик сари элтувчи йўл тасвир этилган бўлса не ажаб.

Ўзбек Миллий академик драма театрининг етакчи актёрлари Абдураим Абдуваҳобов, Фарҳод Абдуллаев, Сайёра Юнусова, Лола Элтоева, Дилбар Икромова, Зилола Набиева иштирок этган спектаклда театр-студияда актёрлик санъатидан сабоқ олаётган Бунёд Абдуллаев ва Нурмуҳаммад Хуррамов бош қаҳрамон ролини маҳорат билан ижро этгани таҳсинга сазовор. Бевосита саҳнанинг бадиий қийматини ошириш, сермазмун, бамаъни ва фалсафий саҳна безакларини яратиш ишига бош бўлган рассом Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бахтиёр Тўраевнинг ижодий ишлари ҳам бетакрорлиги билан ажралиб туради.

Ўзбек Миллий академик драма театри репертуарини яна бир янги асар билан бойитган "Оқ кема"га оқ йўл тилаб қоламиз.

Ислом ИБОДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти талабаси

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

"IN VITRO"...

ЁХУД РИЗҚ-РЎЗИМИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

2017 йилнинг 9 декабрь куни мамлакатимизда илк бор Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни кенг нишонланди. Тантанали маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, соҳада замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган кадрларга бўлган эътиборни кучайтириш бўйича ўзининг таклиф ва мулоҳазаларини билдирган эди.



Дарҳақиқат, бугун инновация тушунчаси жамиятимизнинг барча соҳасига жадал кириб бораётир. Тошкент давлат аграр университети "Ўсимликлар ҳимояси ва карантини" кафедраси ассистенти Расул Жумаев қишлоқ хўжалиги соҳасида ана шундай илмий изланиш олиб бораётган ёш олимлардан бири. Расул қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан ҳимоя қилишда "in vitro" усули билан кўпайтирилган паразит энтомофагларни қўллаш юзасидан илмий тадқиқот иши олиб борди. Ҳар бир куни дарс машғулотлари, лаборатория хонаси ва тажриба даласида ўтган ёш олим касбига садоқати, ўз соҳасининг билимдони сифатида 28 ёшида қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олди.

— Бугун қишлоқ хўжалик экинларини ҳимоя қилиш ҳар доимгидан-да долзарб, — дейди Расул Жумаев. — Боғдорчилик, сабзавотчилик, полиз экинлари ва ғўзада учрайдиган турли зараркунандаларга қарши курашишда катта миқдордаги кимёвий препаратлар қўлланилади. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам борки, бу препарат инсон саломатлиги учун хавфлидир. Бу усул аллақачон эскирган. Чунки кимёвий препаратларни тартибсиз қўллаш оқибатида зараркунандалар тез, фойдали ҳашаротлар эса секин кўпаяди. Яна бир муаммо — зараркунандалар шу зайл кимёвий препаратга ўрганиб қолади. Иккинчи марта қўлланилганда эса зараркунанда иммунитети унга мослашади ва препарат ўз таъсирини йўқотади. Оқибатда қайтадан профилактика ишига зарурат туғилади. Бу эса ортиқча харажат демакдир. Қолаверса, аҳоли истеъмол қиладиган мева-сабзавотларга кимёвий препаратлар шу йўсинда кўп қўлланилиши турли касалликларни ҳам келтириб чиқаради. Илмий тадқиқот ишимнинг долзарб томони шундаки, ўсимликларни ҳимоя қилишда биологик усулдан фойдаланиш йўлини таклиф этяпман. Бунда биолабораторияларда паразит энтомофагларни "in vitro" усули орқали, яъни сунъий озуқа муҳитида кўпайтиришда зараркунандаларга қарши ўз вақтида самарали кураш олиб бориш мумкин бўлади.

Дунё аҳолисининг ортиб бориши, ўз навбатида, экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Шу талабдан келиб чиққан ҳолда республикамизда 800 га яқин биолабораторияларда фойдали ҳашаротлар кўпайтирилади. Унинг афзаллиги шундан иборатки, фойдали ҳашаротлар зараркунандаларга қарши самарали кураш олиб боради. Шу пайтгача биолабораторияларда биргина трихограммани кўпайтириш учун 90 минг тоннага яқин арпа маҳсулоти сарфланиб келинар эди. Мавсумда биолабораториялар зараркунандаларга қарши курашиш учун 60-65 кун аввал иш бошлаши талаб этилади. Бу ўз-ўзидан ортиқча сарф ҳаражат ва маҳсулот таннархининг қимматлашишига сабаб бўлади.

Ёш олим илмий раҳбари, академик Ботир Сулаймонов кўмагида олиб бораётган тадқиқоти юқоридаги муаммони ҳал этишга қаратилган. Тадқиқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, паразит энтомофагларни биолабораторияларда кўпайтириш қисқа муддатда, яъни эски усулдан фарқ қилган ҳолда 10-12 кунда бажарилади.

Мазкур тажриба тадқиқоти ғўза кўсак қуртига қарши "in vitro" усулида кўпайтирилган паразит энтомофагларни Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг пахта майдонларига олиб борилди ва юқори самарадорликка эришилди.

Ёш олим ҳар бир тажрибани устозлари билан чуқур мулоҳаза ва таҳлил этиб боради. Устозлари ҳам Расул Жумаевнинг ҳар бир илмий ишида кўмакдош бўлаётир.

— Шу кунларда академик Ботир Сулаймонов ғояси асосида республикамизнинг барча ҳудудида аҳолини экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, республикамиз агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларга қарши комплекс курашиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида "Ўсимликлар клиникаси"ни ташкил этиш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда, — дейди профессор Ҳожимурод Кимсанбоев. — Бунда Расул Жумаевнинг ҳам ўз хиссаси бор. Унинг илмий тадқиқот иши зараркунандаларга қарши курашишда юқори самарадорликка эришишда қўл келаётир.

Германия, Франция, Хитой ва Италияда малака ошириб, жаҳон олимларининг илмий янгиликларини ўрганган Расул Жумаев фан доктори илмий даражасини олиш юзасидан ўз тадқиқотини янада кенгайтирмоқда. У ўша усулни боғдорчилик, мош, маккажўхори, карам экинларида учрайдиган "Lepidoptera" туркуми оила вакилларига қарши қўллаш ва уларни биологик, иқтисодий ва хўжалик самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб бораётир. Шу билан бирга бошқа турдаги самарали паразит энтомофаг турларини аниқлаш ва уларни ҳам "in vitro" усулида кўпайтириш юзасидан ўз изланишларини давом эттиряпти. Ташаббускор, изланувчан қаҳрамонимиз фаолияти замирида мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўринга эга тармоқ — қишлоқ хўжалик соҳасининг эртанги ривожи бўй кўрсатмоқда.

Дилфуза МАҲКАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарх

БИРОДАРЛИК РИШТАЛАРИНИ БОҒЛАГАН ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМДА КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЕТАКЧИЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ИККИ МАМЛАКАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ САҲИФА ОЧДИ

Шу йилнинг 27 апрель куни Шимолий ва Жанубий Корея етакчилари ҳарбий кучлардан ҳоли ҳудуд Пханмунжом чегара қисмида учрашди. 1953 йил — мамлакатлар ўртасида ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилганидан буён КХДР раҳбарлари Жанубий Корея томони билан бундай руҳ, шакл ва мақсадда учрашмаган эди. Шимолий ҳамда Жанубий Корея етакчиларининг учрашувлари гарчи 2000 ҳамда 2007 йилда Пхеньян шаҳрида КХДРнинг ўша пайтдаги етакчиси Ким Чен Ир даврида бўлиб ўтган бўлса-да, ҳар икки мулоқот ҳам Корея Республикаси Президентлари Ким Дэ Жун, кейин эса Но Му Хён ташаббуси билан амалга ошган.



"Тинчлик ва фаровонликнинг экилиши"

Корея ярим оролида юзага келган кескин вазият кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Баъзан ички, баъзан ташқи таъсирлар туфайли тили, маданияти бир бўлган икки мамлакат узоқ йиллар бир-биридан узилиб, алоқа қилмай яшади. Шимолий ва Жанубий Корея етакчиларининг бу учрашуви муносабатларни қайта тиклаш ҳамда биродарлик ришталарини боғлаш йўлидаги дадил қадам бўлди.

Саммит олдидан Ким Чен Ин ҳарбий-демаркацион чизиқни англатувчи рамзий бетон тўсиқ устидан ўтиб, жанублик ҳамкасби билан сўрашди. Ким Чен Ин ҳам, ўз навбатида, ҳамкасбини чегаранинг бу томонига қадам босишни таклиф этди. Сўнгра икки етакчи тўсиқнинг у томони — Шимол томонга ўтишди. Бу ўзига хос рамзий маънога эга эди. Бир дақиқадан кейин иккала давлат етакчиси яна жануб томонга ўтиб, қизил гилам бўйлаб фахрий қоровул ёнидан саммит ўтадиган "Тинчлик уйи" томон йўл олишди.

КХДР етакчиси Ким Чен Ин ва Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Пханмунжомда қарағай дарахтини экиш маросимида ҳам иштирок этди.

Хорижий оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, давлат раҳбарлари уч йиллик Корея уруши тугаган пайт — 1953 йилда ўсишни бошлаган қарағайни экишган. Дарахт ёнида "Тинчлик ва фаровонликнинг экилиши" ёзувли тош ўрнатилди. Дарахт учун тупроқ Жанубий Кореянинг Чеджудо оролидаги Халласан тоғидан ва КХДРнинг Хитой билан чегарасидаги Пэктусан вулқонидан олиб келинди. Ким Чен Ин дарахтга Сеул орқали оқиб ўтувчи Ханган дарёсидан, Мун Чжэ Ин эса — Шимолий Корея ҳудудидан ўтувчи Тэдонган дарёсидан олиб келинган сувни қуйди.

Ядро дастури — минтақадаги кескинлик омили

КХДР 2005 йилнинг февралида ядро қуролига эга бўлганини маълум қилди. Ушбу қурол бир неча бор синовдан ўтказилиб, жаҳон жамоатчилигининг норозилигига сабаб бўлди. Ким Чен Ин 2011 йил декабрида ҳокимият тепасига келиши билан ядро ҳамда жанговар ракета дастурини кучайтиришга киришди. Бир неча бор ядро қуроли синови ўтказилди. 2015 йилда КХДР ҳукумати мамлакатнинг ядро дастурини тўхтатиб қўйишга қаратилган АҚШ, Россия, Хитой, Япония ҳамда Корея Республикасидан иборат олти мамлакат иштирокидаги музокараларда иштирок этишдан бош тортди ва кейинги йил яна икки бор ядро синовини амалга оширди. Шимолий Кореяда сўнгги олтинчи ядро қуроли синови 2017 йилнинг 3 сентябрида ўтказилди. Ядро қуроли билан бир қаторда КХДР узоқ масофага учириладиган ракеталарга ҳам эга бўлди ва қўллаб кўрди. Сўнгги бор бундай синовлар ўтган йилнинг 28 ноябрида ўтказилган эди. 2017 йилнинг иккинчи ярмида амалга оширилган мунтазам синовлар туфайли Корея ярим оролида вазият ниҳоятда кескинлашди. Япония устидан баллистик ракета учирилди ва у мамлакат соҳилидан 210 километр узоқликка бориб тушди.

АҚШлик экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Пхеньян 20 та тайёр ядро зарядига эга. Бундан ташқари, КХДРда яна 60 та ана шундай каллакларни тайёрлаш учун хом-ашё ресурслари мавжуд.

Корея Халқ Демократик Республикасига нисбатан илк санкция 2006 йилда — мазкур мамлакат томонидан ядро қуроли илк бор муваффақиятли синовдан ўтказилгач қўлланилган. Шундан сўнг шимолликлар яна ўз ядро дастурини кенгайтириб, баллистик ракеталар ҳамда сунъий йўлдошини синовдан ўтказди. Бунинг натижасида унга нисбатан санкциялар қамрови янада кенгайди. Сўнгги маротаба ушбу мамлакатга нисбатан йирик чекловлар 2017 йилда қўлланилган. Ушбу санкциялар АҚШ, Россия, Жанубий Корея, Япония, шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан қўлланиб келинди. Муайян муддатда Шимолий Кореяга нефть ва авиация ёнилғиси импорти, қурол-яроғ савдоси, табиий ресурслар ва турли маҳсулотларни экспорт қилиш таъқиқлаб қўйилди. Мамлакатнинг хориж банкларидаги ҳисоб рақамлари ва активларини музлатиб қўйиш, кредит олишга рухсат бермаслик сингари турли молиявий чекловлар ҳам ўрнатилди.

АҚШ ва КХДР муносабатлари

2018 йилнинг 1 январида Ким Чен Ин миллий ядро кучларини яратиш ишларини якунига етказганини маълум қилди. Шунга қарамай, жорий йилнинг март ойи бошларида КХДР агар мамлакат хавфсизлиги ташқи таъсирлардан тўлиқ таъминланган тақдирда ядро қуролидан воз кечишга қарши эмаслигини, АҚШ билан музокаралар ўтказишга розилигини, мазкур мамлакат билан муносабатларни тиклашга тайёрлигини билдирди. Шу йилнинг апрель ойида эса ядро синовларини тўхтатгани ҳамда ядро полигонини ёпиб қўйганини маълум қилди.

Дунё афкор оммаси томонидан узоқ кутилган мазкур саммит АҚШ ҳамда КХДР давлат раҳбарлари учрашувларидан олдинги тайёргарлик келишуви сифатида баҳоланяпти. Шу йилнинг 12 июнь куни АҚШ президенти Дональд Трамп Сингапурда КХДР етакчиси Ким Чен Ин билан учрашиши кутилмоқда. Учрашувда мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар, Корея ярим оролидаги вазият муҳокама қилинади. Бундан аввал АҚШ Президенти Дональд Трамп Шимолий Кореянинг ядро синовларини "бир ёқли" қилишини, "мамлакатда ўрнатилган режим инсон ҳуқуқлари ва қадр-қиматига дахл қилаётганини" маълум қилиб, Ким Чен Инни эса "рақета-одам", деб таърифлаганди. Шимолий Корея эса бунга жавобан ядро қуроли билан таҳдид қилиб, ҳатто, АҚШни инсон ҳуқуқларининг асосий бузғунчиси деб атади.

Экспертларнинг фикрича, мазкур учрашувда АҚШ КХДРни ядро қуролидан бутунлай воз кечишига кўндириши, бироқ Корея ярим ороли ядро қуролидан тўлиқ ҳоли қилинмас экан, мамлакатга нисбатан санкциялар бекор бўлмаслиги тахмин қилинмоқда.

Тинчлик ва ҳамкорликдан иккала томон ҳам манфаатдор

Ким Чен Ин янги йил муносабати билан сўзлаган нутқида миллий ядро кучларини яратиш ишларини якунига етказганини маълум қилиб, жануб корейслари билан муносабатларни яхшилаш, зиддиятларга барҳам бериш ҳамда Корея ярим оролида тинчлик муҳитини қарор топтириш лозимлигини қайд этганди. Жануб ва Шимол муносабатларининг илиқлашуви эса Пхёнчхандаги қишки Олимпиадада шимоллик спортчиларнинг иштироки ҳамда Ким Чен Иннинг синглиси Ким Е Чжоннинг Корея Республикасига амалга оширган расмий ташрифи фонида юз берди.

"Муносабатларга таъсир кўрсатган асосий омил — бу Мун Чжэ Иннинг давлат маъмурияти, — дейди Санкт-Петербург давлат университети Америка тадқиқотлари кафедраси доценти, КХДР ҳамда Корея Республикаси бўйича мутахассис Ирина Ланцова. — У ўтган йилнинг май ойида Корея Республикаси Президенти этиб сайланган эди. Мун Чжэ Ин сўл либерал йўналишдаги сиёсатчи. У ўз вақтида Президент Но Му Хён маъмуриятига бошчилик қилган. Президентлар Но Му Хён ҳамда Ким Дэ Чжун эса шимолга нисбатан "юмшоқ" сиёсат юритиши билан аҳралиб турган. Ким Дэ Чжун Шимолий Корея билан илиқ муносабатлар ўрнатиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари учун ўз вақтида Нобель мукофоти билан ҳам тақдирланган эди. Бу билан Мун Чжэ Ин моҳиятан Ким Дэ Чжун ҳамда Но Му Хён олиб борган сиёсатни давом эттирмоқда. Бу биринчи омил".

Экспертнинг фикрича, иккинчи омил Ким Чен Иннинг вазиятни ўнглашга уриниши билан боғлиқ. Гап шундаки, КХДР етакчиси сўнгги пайтларда мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Бундай шароитда у ўз ҳокимиятини кучайтиришни ўйлаяпти, бироқ мунтазамлик касб этаётган, ташқи томондан олиб борилаётган кучли босим барқарорликка ўз таъсирини ўтказмоқда. Сўнгги пайтларда мамлакатга нисбатан қўлланилган санкциялар мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатаётир. Бундай вазиятда Шимолий Кореянинг жанубликлар билан муносабатларини яхшилашга уринишини тўғри тушуниш мумкин.

Ихтилоф ва адоватлар ортда қолди

Олий даражадаги музокарадан сўнг икки давлат раҳбарлари — Мун Чжэ Ин ҳамда Ким Чен Ин томонидан саммит якунлари бўйича қўшма баёнот имзоланди. Ўзаро тинчлик, Корея ярим оролини бирлаштириш ва тараққий эттиришга бағишланган Пханмунжом декларацияси Корея ярим оролида тинчлик-осойишталик муҳитини қарор топтириш йўлидаги катта қадам бўлди, дейиш мумкин. Томонлар халқаро ҳамжамият кўмагида ярим оролни ядро қуролидан ҳоли ҳудудга айлантириш ишларини бошлаш, минтақада "доимий ва мустаҳкам тинчлик" муҳитини қарор топтиришга эришиш, бир-бирига нисбатан ҳар қандай душманона ҳаракатларни тўхтатишга келишиб олишди. Декларация қуролланишни босқима-босқич камайтириб бориш, ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ҳамда бир-бирига қарши қуролли кучларни қўлламаслик ва якунда Корея ярим оролида тинч-тотув, осойишта муҳитни қарор топтириш ҳамда бошқа мамлакатлар билан кўп томонлама музокараларга киришини кўзда тутади. Бундан ташқари, Жануб ва Шимол ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш, Корея урушидан сўнг ажралиб қолган ҳамда икки мамлакат ҳудудида яшаб қолган оилаларнинг дийдорлашишига имкон яратилиши кутилмоқда. Декларацияда шу йилнинг кузида Корея Республикаси Президентининг КХДРга ташрифи ҳам назарда тутилган.

Учрашув доирасида КХДР ҳамда Корея Республикаси давлат раҳбарлари Корея урушига жорий йилда якун ясашга келишиб олди. Шу билан бирга, ҳар икки етакчи амалдаги сулҳ режимидан тинчлик битимига ўтиш мақсадини эълон қилишни режалаштирмоқда. Шимолий ва Жанубий Корея ўртасидаги уруш аслида 1950 йилдан бери давом этиб келган. 1953 йилда эса вақтинчалик сулҳ ҳақида битим имзоланган, холос.

Корея ярим оролидаги икки мамлакат раҳбарларининг мазкур қадамини яқин қўшни мамлакатлар, жумладан, Хитой, Россия ҳамда Япония илиқ кутиб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам Пханмунжомда Корея давлатлари ўртасидаги саммит муваффақиятли ўтгани муносабати билан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Инга табрик йўллади. Президентимиз табрикда музокаралар самимий ва дўстона муҳитда ўтгани, унинг якуни бўйича қабул қилинган, икки давлатни яқинлаштириш, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш юзасидан ғоят муҳим келишувларни мустаҳкамлаб берган Корея ярим оролида тинчлик ва тараққиётга эришиш, уни бирлаштириш ҳақидаги Пханмунжом декларацияси Корея Республикаси ва КХДР ўртасида янги шериклик даври бошланганига умид, ишонч уйғотаётганини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш ташаббускори сифатида, ҳеч шубҳасиз, икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва минтақада интеграция жараёнларини илгари суришга хизмат қиладиган Корея ярим оролидаги денуклеаризация жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлашини қайд этди.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

ФЕРМА ҲУДУДИДА УЛКАН ЁРИҚ ҲОСИЛ БЎЛДИ

Янги Зеландиядаги Роторуа шаҳри яқинидаги ферма ҳудудида бир неча кун ёққан ёмғирдан кейин чуқурлиги 6 қаватли уй баландлигидек, узунлиги иккита футбол майдонига тенг улкан ёриқ пайдо бўлди, деб ёзади "hronika.info".

Ферма бошқарувчиси Колин Тремейннинг айтишича, "Томо" деб аталган ёриқ шу йилнинг 30 апрелида ҳосил бўлган. Унинг узунлиги 180 метрга, эни ва чуқурлиги 20 метрга етади. Бу сўнгги йилларда ферма ҳудудида пайдо бўлган тўққизинчи ёриқдир.

Янги зеландиялик вулқоншунос Брэд Скоттнинг таъкидлашича, бу ёриқ у аввал кўрган бошқа ёриқдан уч марта катта.

Ёриқ олимларда катта қизиқиш уйғотди, чунки у охирги марта 60 минг йил аввал отилган қадимий вулқон кратери устида ҳосил бўлган.

ДУНЁДАГИ ЭНГ КАТТА АЭРОПОРТ ҚУРИЛМОҚДА



Яқинда очилиши кутилаётган Истанбулнинг учинчи аэропорти дунёдаги энг йирик ҳаво қўналгасига айланиши кутилмоқда. Бу ҳақда "uttmet.kz" хабар тарқатган.

Туркия транспорт вазири Аҳмад Арслоннинг айтишича, янги аэропорт айни пайтда 80 фоизга тайёр, у шу йилнинг 29 октябрь куни қўплаб нуфузли меҳмонлар иштирокида очилиши кутилмоқда. Отатурк номли халқаро аэропортдан учадиган барча рейслар унга 48 соат ичида кўчирилади.

Хизмат хоналари ва кутиш залларининг умумий майдони 80 миллион метр квадратни ташкил этади. Аэропорт хавфсизлиги учун унда 6 мингта кузатув камераси ўрнатилади, тартиб-интизомни эса 3 минг 500 нафар қўриқчи кузатиб туради. Жами 225 минг иш ўрни яратилади. Қўналға бир пайтнинг ўзида 114 самолётни қабул қила олади. Янги аэропортдан жаҳоннинг 350 шаҳрига учиш мумкин бўлади.

"УДДАБУРОН" РОБОТ



"Apple" компанияси смартфонларни қисмларга бўлаклай оладиган "Дейзи" деб номланган роботини намойиш этди. Бу ҳақда "Engadget" нашри хабар тарқатган.

"Дейзи" компаниянинг R&D бўлинмаси томонидан йиғилган ва ишлатилган айфонларни тез фурсатда бўлаклашга мўлжалланган. Қурилмаларнинг эҳтиёт қисмлари утиллаштирилади ёки янги айфонларда қўлланади. Машина автоматик режимда соатига 200 тагача смартфон (бир дақиқада 3 та қурилма)ни бўлаклай олади.

"Дейзи" компаниянинг қурилмаларни тез бўлаклаш учун чиқарилган биринчи роботи эмас. Икки йил аввал "Apple" мазкур робот каби смартфонларни бўлаклайдиган "Лиама" роботини намойиш қилганди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Рангин дунё

"ПАРИЖ МАНХЭТТЕНИ"

ЁХУД ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ ДЕФАНС МАВЗЕСИГА САЁҲАТ

Париж деганда, аввало, машҳур Эйфель минораси, Лувр музейи, Ғалаба аркаси, Версаль саройи сингари тарихий иншоотлар кўз олдимизда гавдаланади. Чиндан ҳам Париж ўзининг тарихий қиёфасини сақлай олган Европадаги камсонли шаҳарлардан саналади. Бироқ шаҳарда диққатга сазовор замонавий ва муҳташам иншоотлар ҳам кам эмас. Ана шундай иншоотларнинг аксарияти Парижнинг Дефанс мавзесида жойлашган.

Дефанс мавзеси Париж шаҳридаги О-де-Сен округида жойлашган бўлиб, нафақат Франция, балки Европадаги энг замонавий бизнес марказларидир. Шу боис уни "Париж Манхэттени", деб ҳам аташади. Мазкур даҳада қарийб 20 минг киши истиқомат қилади. Даҳада жойлашган фирма ва компанияларда тахминан 150 минг ходим фаолият юритади.

Мавзени қуриш ташаббуси Франциянинг ўша вақтдаги Президенти Шарль де Голль томонидан илгари сурилган. Қурилиш ишлари 1955 йилда бошланган. Мавзедаги илк иншоот 1958 йилда бунёд этилади. Ҳозирги кунда мавзе ҳудудида кўплаб банк, суғурта компанияларнинг қароргоҳлари ўрин олган. Бу ерда "Tour Areva", "Manhattan", "Gan", "CNIT" (Янги саноат ва технология маркази) каби машҳур иншоотлар жойлашган. Мавзе 1870 йилда бўлиб ўтган Франция-Пруссия урушида қаҳрамонлик кўрсатган зобит шарафига таниқли ҳайкалтарош Луи-Эрнест Барриа томонидан бронзадан бунёд этилган ҳамда унинг ҳудудида ўрнатилган "La Defense de Paris" ("Париж мудофаси") ёдгорлигининг номидан олинган.

1970 йилда мавзеда "Esso", "Nobel", "Aquitaine", "Europe" ҳамда "Aurore" деб номланган замонавий осмонўпар иншоотлар ҳам бунёд этилди. 1973 йилда юз берган нефть инқирози туфайли мавзедаги қурилиш ишлари вақтинчалик тўхтатиб қўйилади. 1978 йилдан бошлаб яна давом эттирилди, бироқ осмонўпар эмас, бироз пастроқ иншоотлар қуришга киришилади. 1981 йилда замонавий савдо маркази биноси ишга туширилди.

Мавзедаги энг машҳур иншоотлардан бири — "TourAreva". У таниқли меъморлар Рожер Саубот, Франсуа Жуллиен томонидан 1974 йилда бунёд этилган. Баландлиги 184 метрли иншоот 44 қаватдан иборат. Квадратли призма шаклида қурилган иншоот ташқи томондан қора ойналар билан қопланган.

Даҳадаги энг машҳур иншоот шубҳасиз, Дефанс аркаси. Бугун мазкур мавзени ушбу иншоотсиз тасаввур қилиш мушкул. Бино 1983–1989 йилларда даниялик меъмор Йохан Отто фон Спрекельсен лойиҳаси асосида бунёд этилган. Меъморнинг ғоясига кўра, иншоот шаҳарнинг Шарль де Голль майдонида жойлашган машҳур "Ғалаба аркаси"нинг XX асрдаги нусхаси бўлиши керак эди. Маълумки, мазкур арка 1806–1836 йилларда Париж шаҳрида Наполеон Бонапарт фармонига биноан унинг ғалабалари шарафига бунёд этилган. Шу боис у ғалаба тимсоли ҳисобланган. Даниялик меъморнинг ғоясига биноан, унинг лойиҳаси ғалаба эмас, балки тинчлик, инсонпарварлик ҳамда дўстлик рамзи сифатида одамларни мудом яхшиликка чорлаши, дилларда эзгу туйғулар уйғотиши жоиз эди. Аркасифат иншоот куб шаклида қурилгани ва ўртаси очиқ бўлгани учун уни "Париж ойнаси" деб ҳам аташади. Иншоот ўн икки бетон устунга, улар эса, ўз навбатида, "Савояр" компанияси томондан ишлаб чиқарилган гидравлик кўтаргичларга таяниб туради. Йўқса, бундай мосламаларсиз тупроқ умумий оғирлиги 300 минг тонна келадиган мажмуани кўтара олмаслиги мумкин. Бинонинг баландлиги — 110, эни — 112 метр. Унинг ҳар бир горизонтал томонида узунлиги 75 метр келадиган тўрттадан тўсин ўрнатилган. Арка ёруғлик ва шамол таъсирига чидамли, қалинлиги 5 сантиметр бўлган ойнаванд қопламалар билан безалган. Арканинг ички қисмидан пўлат арқонга осиғлиқ турган "булут" ўзига хос рамзий маъно касб этади. У оқ рангли пластмассадан ишланган бўлиб, чодирни эслатади. "Булут" иншоотнинг мувозанатини сақлаб, кучли шамол таъсиридан ҳимоя қилади.

"Дефанс катта аркаси" бугун Парижнинг диққатга сазовор иншоотларидан бирига айланган. Уни томоша қилиш учун бу ерга ҳар куни юзлаб сайёҳ келади.

Фотима СУЛТОНМУРОДОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Хиёбон

АДАБИЁТДАН ВА... АДАБИЁТДАН БОШҚА ГАПЛАР ҲАҚИДА

ЁЗУВЧИ ШОЙИМ БЎТАЕВ БИЛАН ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ НОМЗОДИ МАРҲАБО ҚЎЧҚОРОВА СУҲБАТИ

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Бу қиссангизни бир журналда "мавзу эски экан", деган баҳона билан чоп этишмаганидан хабарим бор.

— Шунақа. Бундай "аллома"ларнинг замонга қараб ҳар қанча тусланишига ажабланмай қўйганман. Аммо вақт ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Бу қисса чоп этилмасдан туриб, сизнинг тадқиқотларингиз эълон қилинди, кўпчилик мендан уни қаердан топсам бўлади, деб сўрай бошлади.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам "Ўзбек неомиф насрида миф метафорик бадиий шартли восита сифатида" номли мақолам Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ўтказилган конференция тўпламида нашр этилган. Унда ҳамон матбуотда чоп этилмай келаётган ушбу қиссангизни таҳлил қилгандим.

— Уруш йилларида ўзбек ижодкорлари — шоир-ёзувчилар, театр актёрлари ва қўшиқчиларнинг уруш ҳаракатлари кетаётган жойларда учрашувлар ўтказиб ўқиб берган ватанпарварлик руҳидаги шеърлари, уюштирган концертлари ҳамюртларимиз қатори барча жангчиларнинг руҳини кўтариб юборгани ҳам бор гап. Бу даврда яратилган Мақсуд Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" тарихий драмаси бадиий матннинг серқатламлилиги, миллий руҳнинг улуғворлиги билан ажралиб туради. Бу асарда мўғул босқинчиларга қарши мардонавор кураш олиб борган буюк ватандошимиз Жалолиддин Мангуберди тилидан айтилган "Ким юртдан ёв қувса — мендирман ўшал!" деган ўтли сатр қалбларда жасорат оловини ёқарди. Саф-саф бўлиб фронтга отланган ўзбек ўғлонлари қалбида буюк боболарига хос мардлик туйғулари аланга оларди.

Урушга сафарбар этилган 1,5 миллиондан ортиқ ўзбекистонликнинг 263 минг нафари ҳалок бўлди, 132 минг 670 нафар юртдошимиз бедарак йўқолди, 60 минг 452 нафари эса ногирон бўлиб қайтди. Фронт ортидаги қийинчиликларнинг юки ҳам қизғин жанг майдонидаги курашлардан асло кам бўлган эмас. Кексалар, хотин-қизлар, болалар қўлга қурол олиб Ватан ҳимоясига отланган фарзандлари, ёстиқдошлари, ота-акалари ўрнини босишди. Жафокаш оталаримиз, фидойи оналаримиз, мунис опа-сингиллар, дилбар ёрлар иссиқни иссиқ, совуқни совуқ, кечани кеча, кундузни кундуз демай заводларда, корхоналарда, экин майдонларида фидокорона меҳнат қилишди. Эл бошига иш тушганда ҳеч ким ўзини четга тортмади — ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган фидойилик, бирдамлик, бағрикенглик каби буюк фазилатлар бу даврда ҳам ўзини намоён этди.

— "Жаҳон адабиёти" журналининг 20 йиллиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидаги бир йиғилишда улуғ мутафаккир шоирнинг 500 йиллик юбилейи қамал ҳолатдаги Ленинград шаҳрида ўтказилгани ҳақида сўзлаган эдингиз...

— 1941 йилнинг 8 сентябри куни бошланган Ленинград қамали урушнинг инсоний фожеалар билан тўлиб-тошган даҳшатли даври бўлган. 872 кун давом этган бу қамалда миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуриди. Кексалар, болалар жаҳаннам азобида боши узра ёғилиб турган бомбалар остида жон сақлашга мажбур эди. Биргина Ладога кўлига олиб борадиган йўлдан бўлак бошқа барча ҳаёт йўллари кесиб қўйилган, озиқ-овқат, дори-дармон етишмаслиги туфайли кўчаларда очликдан силласи қуриган одамлар ҳаётдан кўз юмарди. Бу жаҳаннамий азобда вафот этганларнинг тўқсон фоиздан ортиғини очлик олиб кетганини эслашнинг ўзи оғир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи 1941 йил охирлашиб бораётган кезларда қамал ҳолатдаги шаҳарда ўтказилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор эди. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида, 1941 йил 12 мартда Низомий Ганжавийнинг 800 йиллиги ва Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш ҳақида ҳукуматнинг махсус қарори қабул қилинган эди. Унга кўра икки буюк шоирнинг тўла асарлар тўпламлари ўз она тиллари ҳамда рус тилида чоп этилиши кўзда тутилган, Боку ва Тошкентда бу юбилейларни муносиб тарзда ўтказиш учун комиссиялар ҳам тузилганди. Салтыков-Щедрин номидаги Ленинграддаги кутубхонада 1465–1466 йилларда Ҳиротда машҳур хаттот Султон Али Машҳадий томонидан тузилган Алишер Навоийнинг илк девони ҳам сақланарди. Унинг ўзига хос қизиқ тарихи бўлиб, 1829 йилда А.С.Грибоедовнинг Эронда ўлдирилиши туфайли Теҳрон кутубхонасидаги бошқа ноёб қўлёзмалар қатори хун эвазига келтирилган.

Айни лаҳзаларда буюк шоирнинг ижодий меросига ярим минг йиллик давр кўзгуси ортидан боқиб башарият тақдирига дахлдор башоратларидан озуқа олиш эҳтиёжи ҳар қачонгидан ҳам юксакроқ аҳамият касб этганини англаш мумкин. Навоий юбилейига таклиф этилган йирик шарқшунос олимлар, соҳа мутахассисларига йўлланган таклифнома шундай мазмунда эди: "Давлат Эрмитажи сизни улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказиладиган тантанали йиғилишга таклиф этади. Йиғилиш 1941 йил 10 декабрь соат 10 да бошланади".

10–12 декабрь кунлари Эрмитажнинг ўқув хонасида навоийхонлик ўтказилди. 29 декабрда эса Шарқшунослик институтида илмий кенгаш ташкил этилди.

— Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг ўлмас номини хотирлаш халқларимизнинг маданий ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга, — деган эди йиғилишни очаётиб таниқли шарқшунос олим, академик Иосиф Абгарович Орбели. — Шоир юбилейини қамал ҳолатдаги шаҳарда ўтказаётганимиз халқнинг мардона руҳини, букилмас иродасини, инсонийликнинг мангу ҳақиқатини ифода этади. Биз, албатта, қозонажак ғалабадан сўнг бундай тантаналарни ҳали кўп давом эттирамиз, зеро, шеърият мангу барқарор ҳодиса сифатида тантана қилаверади...

Ўша лаҳзада кучли портлашдан деразалар зириллаб кетади. Йиғилганлар саросимага тушганча ўринларидан туриб дераза олдига борганида Нева дарёси устида иккинчи бомба портлайди. Академик Орбели хавфсиз жойга ўтишга таклиф қилса-да йиғилганлар яна ўз жойларини эгаллайди. Академик Сергей Жебелев бу тантанани "фан байрами" деб атаган эди.

Академиклар И.Крачковский, Е.Бертельс, профессор Б.Руденконинг Алишер Навоийнинг ижоди ҳақидаги нутқлари ҳали-ҳануз фан оламида аҳамиятини йўқотмай келаётир.

Нева бўйидаги бу гўзал шаҳарни фашистлар ер юзидан супуриб ташлаш учун қурол-яроғлар билан тахдид қилиб турган чоғида улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг буюк инсонпарварлик ғоялари, ўлмас руҳи туфайли эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси башорат янглиғ янграган эди.

— Ибратли воқеа. Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида кечган катта бир тадбирда филология фанлари доктори, академик Тўра Мирзаев "Мен яқинда Шойим Бўтаевнинг "Тафаккур" журналида босилган "Мутолаа" рукнига берилган мақолаларини ўқидим, биз олимлар бошқа жиддий ижодкорларимиз қатори у ҳақда ҳам фундаментал тадқиқотлар ярата олмаганмиз, қарздорлигимизни тан олишимиз керак", деган гапни айтди...

— Янглишмаяпсизми?

— Булар протоколга тушган гаплар. Бу фикрни устозимиз, филология фанлари доктори, академик Наим Каримов ҳам бошқа бир йиғилишда айтиб, тегишли топшириқлар берган. Ҳозир бу йўналишда ҳам ишлар кетяпти.

— Мен буни ёзганларим матнига муносабат, деб қабул қиламан. Умуман олганда, ижодкор ҳақида барча гапни матн айтади. Қўшиқчиларимиз баъзи энг номи кетган шоирларнинг шеърларини ҳам куйга солиб айтишаётганида матнга жиддий эътибор берсангиз, талай парокандаликлар, мантиқсизликлар борлигини пайқайсиз. Баъзан бошқаларни ерга уриш эвазига ўзимизни "шиширмоқчи" бўламиз. Бундай матнларнинг кимларгадир ёқишини эса халққа маъқул, деган сохта фикр билан хаспўшлашга уринамиз. Академик Матёқуб Қўшчоновнинг адабиётга муносабати ҳақида сўз кетганда, бир гал беқиёс шоиримиз Абдулла Орипов мурожаат қилса арзийдиган жиддий матн бўлмагани учун домла жим юриптилар, деган гапни айтганди. Бунда катта маъно бор. Бундай муносабат таниш-билишчиликни, "урҳо-сурҳо"ларни четга суриб ташлаб, ижодкор қиёфасига унинг ижоди орқали кўзгу тутиш имконини яратади. Адабиётда бундан кўра ҳалол йўлнинг ўзи йўқ.

— "Қўрғонлаган ой", "Шох" ва "Еттинчи кун" романингиз билан танишман. Ҳар бири алоҳида бир бадиий дунё, ҳар бирининг адабий аҳолиси бор. Янги "Еттинчи кун" романингизда мозаика услубидан фойдалангансиз.

— Эҳтимол шундайдир. "Шарқ юлдузи" журналида бу асар чоп этилиш арафасида. Ҳозир китобхонларнинг дид-савияси бошқача бўлиб кетган, мутолаа ҳам замонга яраша тезкорликни талаб этмоқда. Шу боис бўлса керак, примитив-жўн материалларни бир ўқиб ташлаб юборишяпти, қолаверса, бунақа нарсалар "сариқ матбуот" деб аталадиган нашларда ҳар куни пешма-пеш босиляпти. Эшитишимча, эндигина коллежни тугатган бир қиз учта роман ёзипти. Кўча-кўйларда, жамоат жойларида улар худди киночилар каби "унақа бўлувди, кейин бунақа бўлди, кейин анавинақа", деб бус-бутун сюжетларни гапириб ташлашади. Гўёки мана шунақа сюжети бўлса, уни амаллаб тушунтириб берса, ижодкор бўлиб кетадигандек.

— Киночилар каби дедингиз...

— Ҳа, уларда шунақа касаллик бор. "Интрига" деб аташади буни. Интригада содда томошабинни ўз домига тортиб мантиқсиз бир воқеликни ҳаётий деб унинг калласига қуйиши керак. Ойнаи жаҳон орқали намойиш этилаётган барча сериаллар ана шу асосга қурилган. Мана, турк сериалларини олиб кўринг. Хафа бўлмангу, Шарқ аёлларига хос бўлган консерватизм янада ривож топиб кетишига бундай сериаллар беқиёс ҳисса қўшмоқда. Миллионлаб аҳоли, айниқса, аёллар "Косэм", "Ичкарида" деб аталган интригадан бўлак ҳеч қанақа маънавий озуқа бермайдиган сериаллар воқеаларига бошлари билан шўнғиб кетган. Бу ҳам ўзига хос манипуляция ҳисобланади. Қараб туриб эсиз вақт, эсиз умр, дейсиз-да. Бундан олдин "Эсмеральда" ва яна шунга ўхшаш сериаллар бўларди. Адабиётдан узилиш одамни онгсиз мавжудотга айлантириб қўйиши ҳеч гап эмас экан.

— Кинога адабий асар асос бўлмайдими?

— Бўлиши керак, аммо бизда бунақа қилишмайди. Киночилар тиғиз воқеалар ва интригаларнинг қули, ҳақиқий адабиётда бу унчалик роль ўйнамайди. Габриэль Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматов каби ҳақиқий ёзувчиларнинг кинога муносабати ижобий бўлмагани сабаби ҳам шунда бўлса керак, деб ўйлайман. Бу дегани кино ва адабиёт бошқа-бошқа нарса дегани эмас. Бизда адабиётнинг ўз йўли бор, киноники эса йўқ. Гоҳида унга, гоҳида бунга — кейинги пайтларда ҳинд киноларига тақлид қилишади. Шарқ мамлакатлари орасида Эрон киноижодкорлари ўзига хос жиддий кинолар яратишяпти, жилла қурса, шунга тақлид қилишганда ҳам бошқа гап эди.

— Шойим ака, очиғи, сиздаги ижодий тезкорлик ва потенциалга ҳавас қиламан. Романлар, қиссалар, сценарийлар, ҳикоялар, эсселар муаллифисиз. Шукур Бурҳон ҳақидаги "Шукур Бурҳон", Одил Ёқубов ҳақидаги "Одил Ёқубов феномени", Шукур Холмирзаев ҳақидаги "Шукур, айт-чи, ҳаёт нима?", Игор Витальевич Савицкий ҳақидаги "Орфей илтижоси халоскори" каби жозибадор эсселарингиз адабий жамоатчилик, кенг китобхонлар томонидан эътироф этилган. Бу жанрнинг қайси жиҳатлари сизни ўзига жалб этади?

— Мен қаламга олаётган мавзулар, тўғрироғи, шахсларнинг беқиёслиги. Ёдингизда бўлса, "Шукур Бурҳон" эссесига Софоклнинг "Мен одамлар қандай бўлиши лозимлигини кўрсатаман", деган гапини эпиграф қилиб олганман. Санъат, адабиётнинг улуғвор мақсади шундай бўлиши керак. Буни идеал деб ҳам аташади. Масалан, "Орфей илтижоси халоскори" Игор Витальевич Савицкий ҳақида. Бу одамнинг ҳаётда на уйи, на жойи бўлган. Бор-будини ўша пайтларда ман этилган авангард санъат намуналарини асраб қолишга сарфлаб юборган. Қорақалпоқ халқининг этнографиясига ҳам жуда қизиққан. Усиз қорақалпоқларнинг тарихи кемтик бўлиб қоларди. Киевда туғилиб, тақдирини Қорақалпоғистон билан боғлаган, инсониятнинг маънавий-руҳий хазинасига беқиёс ҳисса қўшган фидойи-заҳматкаш бу зот 1966 йилда Қорақалпоғистон давлат санъат музейига асос солган. Бу музей бугунги кунда Халқаро музейлар қўмитаси (ИКОМ) аъзоси. АҚШ, Франция, Германия, Италия, Япония, Россия давлатининг кўргазмаларида иштирок этади. Унда "Нукус музейининг дўстлари" клуби мавжуд. Тўқсон мингга яқин ноёб экспонатларни таъмирлаш устахонаси, ўн мингдан зиёд асарларга эга кутубхона унинг таркибида фаолият юритади. Игор Витальевич "Оқ қалъа. Умумий кўриниш", "Қорақумда", "Кегейли канали", "Чимбой оқшоми", "Қайрағочлар" сингари турли музейларда сақлаётган картиналарида график рассом сифатидаги истеъдодини намойиш этган эса-да, унинг буюк хизмати барибир Марказий Осиёдаги санъат асарларини тўплаш, қорақалпоқ маданиятининг генофондини яратиш билан белгиланади. Унинг рус маданиятига қўшган ҳиссаси эса Третьяков, Морозов, Шчукинлар фаолияти билан тенгланштирилади. 1984 йилда вафот этган Игор Витальевич Савицкий васиятига кўра Нукусда дафн этилади. Унинг қабри пойида "Гўзалликнинг буюк халоскорига миннатдор авлодлардан" деган ёзув бор. Бутун дунёдан унинг ихлосмандлари бу ерга келишади.

— "Эски арава" қиссангизда Гоголь қаҳрамонларини қайта тирилтирдингиз. Тўғри, дунё адабиёти тажрибасида бу усул синалган, ўзбек адабиётида сиз бу бадиий усулни бошлаб бердингиз. Мазкур қиссага асос бўлган сюжетни қандай топдингиз? Гоголни ўқиб-ўрганиш орқалими? Ёки Гоголь қаҳрамонларига нисбатан пародия муносабати билан туғилдими?

— Бу асарни ёзган пайтимда Ўзбекистонга "десантчилар" деб аталган, Гдлян ва Иванов бошчилигида тергов гуруҳи ташланган эди. Раҳматли Ҳожиакбар Шайховнинг жасорати билан "Сирли олам" журналида босилиб, анча-мунча гап-сўзларга ҳам сабаб бўлганди. "Эски арава" деб номланган асарга "Ўлик жонлар" поэмасининг муаллиф томонидан ёқиб юборилган дея гумон қилинган охири ёхуд ёзилмай қолган чала қисми борасиндаги саргузашт қисса" деб узундан узун жанр белгиланган. Турган-битгани киноя. Мана, унда шундай жой бор: *"Сиз Петрушканинг Чичиков билан ўлик жонлар хусусида бемалол, эмин-эркин сўзлашаётганидан ажабланманг. Бу вақтга келиб, Павел Ивановичнинг барча саргузаштлари ҳаммаёққа овоза бўлиб кетган, кўп ишбилармон кишилар Гоголнинг китобини варақлаб ҳам ўтирмай, унинг нима ҳақда, ким ҳақда ёзишини аллақачон билиб олишган, бундан Чичиковнинг ўзиниям хабари йўқ эди. У Гоголни қандайдир жинлар ҳақида ёзадиган қаламкаш деб элас-элас эшитганди. Ўзи ҳақидаги китобни ўқиганида икки мужикнинг араваси ҳақидаги суҳбатларидан огоҳ бўлиб, буни ёзувчи қаёқдан билдийкин, деб ёқа тутамлаб қоларди.*

"Вой-бўй, — деди мужиклардан бири иккинчисига, — ғилдирагига бир қара-я! Сенингча, қалай, шу арава Масковгача борса, ғилдираги чидайдими?" — "Чидайди, — деди иккинчи мужик. — менингча, Қозонгача боришга чидамас-а?" — "Қозонгача боришга чидамас", — деди биринчи мужик. Уларнинг гапи шу билан тамом бўлди."

Мужик деганлари содда халқ-да! Овсар десаям бўлаверади! Сал-пал узоқни кўра оладиган бўлишганида, бу аравaнинг мусти-мустаҳкамлигини, анча-мунча замону маконларни назар-писанд қилмаслигини билиб олишарди. Бу аравани энг зўр усталар неча йиллар жонларини жабборга бериб ишлашган. Бу арава билан ҳаммаёққа борсаям бўлаверишини билишган; аммо, унинг турли-туман жамиятлардан бебилиски ғилдираб ўтишини хаёлларигаям келтира олмаган бўлишса керак".

Кўрдингизми, гап қаёқда? Ўтган ундоқ, кетган бундоқ деб иддао қилиш ўрнига ўзимизга ҳушёр бўлишимиз керак. Демак, иллатнинг илдизлари ҳам фақат бир жойда эмас экан. Аммо уни бус-бутун халқларга ҳам тўнтариш адолатдан бўлмайди. Бундай иллатларни рус ёзувчилари кўрсата олишгани учун Россия бугун дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири бўлиб турибди.

— Шойим ака, болалигингиз ўтган қишлоқ, оилангиз ҳақидаги хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз...

— Туркистон тоғларига яқин бир қишлоқда туғилиб, ўсганман. Мол, қўй боқиб катта бўлганмиз. Табиатга яқинлик қалбга жуда катта озуқа беради. Худбин, ижодий жиҳатдан қотиб қолганларнинг асосий камчилиги ҳам табиатдан бебаҳралик деб ҳисоблайман. Қишлоқларимизнинг жуда кўпчилиги туркий қавмларнинг номлари билан аталади. Кенагас, Қарабчи, Манғит, Ўроқли, Болғали, Қайирма ва ҳакозо. Қишлоғимиз Майдонча деб аталади, қир учида, кичкинагина жой эди, ҳозир анча кенгайган.

— Бир ҳамкасбимдан сизни шеър ҳам ёзади, деб эшитдим, шу ростми?

— Аҳён-аҳёнда шеър эмас, шеърга ўхшаган бир нарсаларни ўзимча қоралаб юраман, уям шеърдан кўра кўпроқ насрга мойил деб ўйлайман...

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат.

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

ХЎЖАҒАТ — ИШТАҲАОЧАР, ХУШБЎЙ ВА МАЗАЛИ МЕВА

Хўжағат (малина) — илдизи кўп йиллик, поясі икки йиллик ўсимлик. Бир йилда икки марта: май-июнь ҳамда сентябрь-октябрь ойларида мева беради. Меваси жуда мазали бўлиб, шифобахш хусусиятга эга. Қуритилган барги ва поясидан ҳам дори ўрнида фойдаланилади.

Меваси шарбатидан фармацевтикада, хусусан, суюқ дорилар таъмини яхшилаш учун фойдаланилади. Халқ табобатида қуритилмаган ва қуритилган мева дамламаси иштаҳа очувчи, овқат ҳазм қилишни яхшиловчи, қон тўхтатувчи (меъда, ичакда), томоқ оғриганда балғам кўчирувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтирувчи дори сифатида ишлатилади. Шунингдек, у атеросклероз (қон томирларининг қаттиқлашиши) ва қон босими кўтарилишини даволаш учун ҳам тавсия этилади.

Хўжағат терлатиш ва пешоб ҳайдаш хусусиятига эга. У орқали организмдан барча зарарли моддалар чиқиб кетади. Шунинг учун шамоллаганда тез-тез малина мураббоси аралаштирилган чой ичиб турилади. Хўжағатда қон қуюлишини меъёрлаштирувчи, майда қон томирчаларини мустаҳкамлаш хусусиятига эга моддалар бор. Шунингдек, асаб тизими фаолияти бузилган беморлар ҳам тез-тез хўжағат истеъмол қилса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Яқинда олимлар малина барги ва хўжағат таркибида шифобахш бетаситостерин моддаси борлигини аниқлашди. У қон томир деворларида холестерин тўпланишига йўл қўймайди.

Ангина ва шамоллаганда малина гулларидан тайёрланган дамлама ёрдам беради. Бунинг учун 20 грамм малина гулига бир стакан қайноқ сув қуйиб, ярим соат тиндириб қўйиш лозим. Совутилган ҳолда қунига уч-тўрт маҳал бир ош қошиқдан ичилади. Терлатиш учун қуритилган хўжағат меваси дамламаси фойдали. Икки ош қошиқ мевага бир стакан қайноқ сув қуйиб, 20 дақиқа дам олдирилади. Совугач, сузиб олинади. Кунига бир маҳал икки стакандан иссиқ ҳолида ичилади.

Зумрад ТОПИЛДИЕВА ,
Янгиқўрғон туманидаги 30-умумтаълим мактаби биология фани ўқитувчиси

ТУРФА ОЛАМ

ИЛК СУВ ОСТИ ЭЛЕКТР КЕМАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛДИ

Буюк Британиянинг "Aston Martin" компанияси АҚШнинг сув ости кемалари ишлаб чиқарувчи "Triton" компанияси билан ҳамкорликда илк электр сув ости кемасини ишлаб чиқарди, деб ёзади "news.rambler.ru".

"Aston Martin Project Neptune" деб номланган кема 3 кишини сиғдира олади. Оғирлиги — 4 тонна. Субмарина (сув ости қайиғи) соатига 92 километр тезликда ҳаракатлана олади. Максимал 500 метр чуқурликка қадар шўнғий олиши мумкин. Кема аккумулятори унга сув остида 12 соатгача қолишга имкон беради. Сув ости электр кемаси 3,3 миллион долларга баҳоланмоқда. Компания бундай кемани чекланган миқдорда ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан Хуррамов Сарвар Абдуллаевичга 30.06.2008 йилда берилган **В № 370859** рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Бектемир тумани 293-умумтаълим мактаби томонидан Раҳимова Зебинисохон Номанжоновна номига 16.06.2000 йилда берилган **O'R-A № 880466** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши партиядан халқ депутатлари Китоб туман Кенгашига сайланган депутат Гуландом Сатторовага онаси **Маъмурой МАВЛОНОВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Мўмин Эшмирзаевга қизи **Матлуба МАМАСОДИҚОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими: 234-01-47, Маданият, туризм ва ҳалқаро ҳаёт бўлими: 234-86-41, Маънавият, маърифат ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 516, Адади — 7730. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ
Навбатчи: Нигора НИШОНБОЕВА
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 23.25. Топширилди — 00.40.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 12 456